

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

**“ИҚТИСОДИЁТДА АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ”
ФАКУЛЬТЕТИ**

«Иқтисодиётда ахборот технологиялари» кафедраси

«Химояга рухсат этилади»
Кафедра мудири
доц. И.Е.Жуковская

«_____» _____ 2016 йил

**МАВЗУ: Божхона хизматларини кўрсатиш жараёнини ахборот-
коммуникация технологиялари асосида такомиллаштириш
(ЎзР ДБҚ Тошкент вилояти божхона бошқармаси мисолида)**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

ИЛМИЙ РАЎБАР:

катта ўқитувчи Эрматов Ш..Т.

БАЖАРДИ: «Информатика ва ахборот
технологиялари»
таълим йўналиши
битирувчи курс талабаси
Абдуолимов Ш.Қ.

Битирув малакавий иши кафедрада дастлабки химоядан ўтди
_____сонли баённома «_____» _____ 2016 йил.

Т О Ш К Е Н Т – 2 0 1 6

МУНДАРИЖА

Кириш	3
I-боб. Божхона хизматларини кўрсатиш жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш жараёнини моҳияти.....	10
1.1. Тошкент вилояти божхона бошқармасининг техник-иқтисодий таърифи	10
1.2. Божхона хизматларини кўрсатиш жараёнларининг моҳияти ва мазмуни.....	25
1.3. Божхона хизматларини кўрсатиш жараёнларига ахборот-коммуникация технологияларини қўллашдаги муаммоларнинг баёни	37
II-боб. Божхона хизматларини кўрсатиш жараёнларига ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш масаласининг баёни	42
2.1. Божхона хизматларини кўрсатиш жараёнларига ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш масаласининг мазмуни.....	42
2.2. Божхона хизматларини кўрсатиш жараёнини техник ва ахборот таъминотини таҳлили.....	46
2.3. Божхона хизматларини кўрсатиш жараёнини амалга ошириш технологиясининг баёни	56
III-боб. Божхона хизматларини кўрсатиш жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни такомиллаштириш.....	64
3.1. Божхона хизматларини кўрсатиш жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш самарадорлиги.....	64
3.2. Божхона хизматларини кўрсатиш жараёнини келажакдаги истиқболлари.....	69
Хулоса ва таклифлар	79
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	83
Иловалар.....	87

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Иқтисодий жараёнлар бошқариш соҳасидаги ахборотлаштириш, энг аввало қиймат ишлаб чиқариш нисбатларининг пасайиши ҳисобига ходимлар иши унумдорлиги ҳамда бошқарув фаолияти билан банд бўлган мутахассислар малакаси ва касбий саводхонлиги ошишини кўзда тутди.

Ўзбекистоннинг иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларда юқори натижаларга эришиши, жаҳон иқтисодий тизимида тўлақонли шериклик ўрнини эгаллай бориши, инсон фаолиятининг барча жабҳаларида замонавий ахборот технологияларидан юқори даражада фойдаланишнинг кўламлари қандай бўлишига ҳамда бу технологиялар ижтимоий меҳнат самарадорлигининг ошишида қандай рол ўйнашига боғлиқ. Ахборотлаштириш кишилиқ жамиятининг барча соҳаларига кириб бормоқда.

Яқин йилларда иқтисодчининг иш жойини компьютерсиз тасаввур қилиш қийин ва бу универсал техниканинг имкониятлари мутахассислар томонидан тўлиқ даражада фойдаланилиши керак. Компьютерда ишлашни билиш ҳозирдаёқ иқтисодчиларни ишга қабул қилишдаги талаблардан бири экани тасодифий ҳол эмас. Тўғри, ҳозирча, фақат жуда оддий «электрон офис»нинг дастурий таъминланишини билиш талаб қилинади холос, аммо талаблар йилдан йилга борган сари ортмоқда, чунки компьютер исталган соҳадаги иқтисодчи-молиячи, ҳисобчи, режалаштирувчи, таҳлилчи, менежер ва бошқаларнинг асосий куролидир. Автоматлаштирилган ахборот технологиялари мутахассисга иқтисодий жараёнларни бошқаришда самарали фойдаланишга имкон беради. Замонавий ахборот технологиялари тезкор ва мувофиқ равишда бошқаришга, ахборот коммуникацияларини ўрнатишга имкон беради.

Миллий «ахборот ресурслари» - бу янги иқтисодий категориядир. Ахборот материал ва энергия каби ресурс бўлади ва демак бу ресурсга

нисбатан ҳам: ким унга эгалик қилади, ким ундан манфаатдор, қанчалик унга кириш осон, ундан тижоратда фойдаланиш мумкинми, сингари жиддий саволлар шаклланиши керак. Бутун ўтган XX аср давомида инсоният цивилизацияси ривожланиши тарихида моддий объектлар меҳнатнинг асосий предмети бўлиб келган. Моддий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаси доирасидан ташқаридаги фаолият, қоидага кўра, ноишлаб чиқариш харажатлари категориясига киради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2015 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида, жумладан, қуйидагиларги таъкидлади: «...Давлат органлари ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўзаро муносабатларнинг бевосита электрон шакллари жорий этилгани туфайли 2015 йилда 42 минг 800 та тадбиркорлик субъекти Интернет тармоғи орқали Ягона интерактив давлат хизматлари порталида рўйхатга олинган. Улар 260 турдаги интерактив хизматлардан фойдаланиш имкониятига эга. 2013-2014 йилларда тадбиркорлар ва фуқароларга 102 мингдан ортиқ хизмат кўрсатилган бўлса, 2015 йилда бу кўрсаткич 420 мингдан ошди. Бугунги кунда солиқ ва статистика ҳисоботлари 100 фоиз электрон шаклда Интернет тармоғи орқали тақдим этилмоқда.

Ўтган йили таълим-тарбия соҳасини янада ислоҳ этиш ва такомиллаштириш масаласи ҳам диққат марказимизда бўлди. Мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасига ҳар йили сарфланаётган харажатлар ялпи ички маҳсулотга нисбатан 10-12 фоизни ташкил этмоқда. Бу ЮНЕСКОнинг мамлакатни барқарор ривожлантиришни таъминлаш учун таълимга йўналтирилиши зарур бўлган инвестициялар миқдори бўйича тегишли тавсияларидан, яъни 6-7 фоиздан қарийб 2 баробар кўпдир.

Мамлакатимиз олий ўқув юр்தларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга йўналтирилаётган маблағлар ҳажми тобора ортиб бораётганини алоҳида таъкидлашни истардим. Жорий йилда 13 та олий

таълим муассасаси, жумладан, Қорақалпоғистон, Бухоро ва Самарқанд давлат университетлари, Фарғона политехника институтидаги қурилиш ва реконструкция ишларига 355 миллиард сўм ажратиш кўзда тутилмоқда. Шунингдек, Тошкент давлат стоматология институти бинолари, Тошкент шаҳридаги Инха университети ва Сингапур менежментни ривожлантириш институти филиалларининг янги ўқув корпуслари қурилади».¹

Инсоннинг ахборот ишлаб чиқиши бўйича имкониятларини кучайтирувчи замонавий технологиялар билан қуроллантириш - ахборотлаштириш саноатини жадал ривожлантиришни талаб этувчи энг муҳим техник, иқтисодий вазифадир. Бунда янги, ҳали илмий адабиётларда мустаҳкам жойлашиб улгурмаган тушунчалар - «ахборотлашган иқтисодиёт», «ахборотлашган ресурслар», «ахборотлар бизнеси», «ахборотлар тизимини бошқариш» ва ҳоказо юзага келади.

Бошқарув меҳнатини бундан кейинги автоматлаштирилиши бошқарув аппаратини қисқартириш ва арзонлаштириш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Бошқарув соҳасида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш иқтисодий ахборотлар сифати, унинг аниқлиги, объективлиги, тезкорлигини ва бунинг натижаси сифатида эса бошқарув қарорларининг ўз вақ қабул қилиш имконияти ошишини таъминлайди.

Иқтисодиётда бозор муносабатларига ўтиш жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча соҳаларига ахборотлаштириш соҳасида эришилган энг сўнгги ютуқларни тадбиқ этиш суръатларини ғоятда тезлаштириб юборди. «Ахборотлаштириш» атамаси маҳаллий кўп терминалли ахборот ҳисоблаш тизимлари ва оммавий хизмат кўрсатиш тармоқларини яратиш туфайли илк бор пайдо бўлган.

Божхона органлари, мамлакатни ташки иқтисодий фаолиятини, давлат воситаларидан фойдаланган ҳолда тартибга солиш орқали, маҳаллий ишлаб

¹ И. А. Каримов. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. //“Халқ сўзи”, 2016 йил, 16 январь.

чиқарувчиларни чет эл ракобатчиларидан химоя қилиш, ички бозордаги талаб ва таклифни мувофиқлаштириш, давлат бюджетини тўлдириш, маҳаллий истеъмолчилар манфаатларини химоя қилиш каби долзарб масалаларни самарали ҳал қилиш катта микдордаги маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш, узатиш, альтернатив ечимлар ичидан оптимал танлаш билан боғлиқдир.

Божхона хизмати мамлакат иқтисодидаги жаҳон ҳужалигидаги муҳим ўзгаришлар, бизнес соҳасидаги барча янгиликлардан доимо хабардор бўлиб туришлари лозим. Бу эса божхона тизимида янги ахборот - мулоқот (коммуникация) технологияларини жорий этиш билан боғлиқдир. Улар божхона ходимларига тупланган маълумотларга бевосита мурожаат қилиш, ундан баҳраманд бўлиш ва қарорлар қабул қилиш учун фойдаланиш имконини яратди.

Мамлакатимиз иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда Давлат божхона органларини мамлакатимизнинг бошқа ҳуқуқни химоя қилиш органлари ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда контрабанда ва божхона қоидаларини бузилишига (БҚБ) қарши олиб бораётган ишлари катта аҳамиятга эгадир. Шу билан бирга божхона тизимида ягона автоматлаштирилган ахборот тизимини жорий этиш, ҳамда контрабанда ва божхона қоидаларини бузилишига қарши курашишда замонавий техника ва технологиялар асосида божхона назоратини самарасини кучайтириш катта аҳамиятга эгадир. Шу дастур доирасида Ўзбекистон Республикаси божхона сиёсатини амалга оширишнинг самарадорлигини ошириш ҳамда божхона расмийлаштирилишини ҳисобга олишининг ягона тизимини жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2004 йил 28 сентябрда «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кумитасининг тизимини ташкил этиш тугрисида» ги 450-сон қарорини қабул қилди.

Бу қарорда ягона автоматлаштирилган ахборот тизимининг ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва уларни узатишнинг технологик жараёнларини комплекс автоматлаштиришни, барча

даражалардаги божхона органларининг ягона маълумот олишини таъминлашга, божхона назорати остидаги товарлар билан аниқ вақт ёуламида содир этилаётган барча тартиб - қоидаларнинг мониторингини олиб боришга қаратилган ташкилий - функционал тузилмани ташкил этиш кузда тутилган.

Шахсий компьютерлар (ШК) ва коммуникацияларнинг ривожланган воситалари асосида замонавий ахборот технологияларини қўллаш соҳаси иқтисодиётда жуда кенг қўламли бўлиб, у хизмат ёзишмаларининг энг оддий вазифаларини таъминлашдан бошлаб то қабул қилинган қарорларнинг мураккаб вазифаларини таҳлил қилиш ва қўллаб-қувватлашгача бўлган турли нуқтаи назарларни ўз ичига олади. ШК, лазерли ва оптик техника, оммавий ахборот воситалари ва коммуникацияларнинг хилма-хил турлари, шу жумладан йўлдошли алоқа муассасалар, корхоналар, фирмалар, ташкилотлар, уларнинг меҳнат жамоалари ва айрим мутахассисларга ўзларининг касбий, таълимий, маданий ва ҳатто маиший манфаатларини амалга ошириш учун барча зарурий ахборотларни керакли вақтда ва тўлиқ ҳажмда олишга имкон беради. Ахборот жараёнлари хўжалик ишларини юритувчи иқтисодий объектларнинг ички ва ўзаро алоқаларининг фаол кучлари сифатида турли хил технологик қарорлардан фойдаланиш асосида кўрилади ҳамда ахборотларни меҳнат, моддий ва молиявий воситаларни тежовчи, муҳим, қимматли ресурслар қаторига киритишга имкон беради.

Ишнинг мақсади ва вазифалари. Битирув малакавий ишининг мақсади божхона хизматларини кўрсатиш жараёнларини ўрганиш ва бу масалага ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш ҳисобланади. Ушбу мақсаддан келиб чиқиб, қуйидаги вазифалар қўйилган:

- божхона хизматларини кўрсатиш жараёнларининг моҳияти ва мазмуни;
- божхона хизматларини кўрсатиш жараёнларига ахборот-коммуникация технологияларини қўллашдаги муаммоларни ўрганиш;
- божхона хизматларини кўрсатиш жараёнларига ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш масаласини таҳлил қилиш;

- божхона хизматларини кўрсатиш жараёнини техник ва ахборот таъминотини таҳлил қилиш;
- божхона хизматларини кўрсатиш жараёнини амалга ошириш технологиясини ўрганиш;
- божхона хизматларини кўрсатиш жараёнида жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш самарадорлиги аниқлаш.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Ушбу битирув малакавий иши мавзуси бўйича ТДИУ да бажарилган илмий-тадқиқот ишлари, битирув малакавий ишлари ва магистрлик диссертациялари ўрганиб чиқилди, жумладан: Хаитбоев У.М., Божхона хизматларини кўрсатиш жараёнида реляцион маълумотлар базасини яратиш, илмий раҳбар катта ўқитувчи Дўсматова Н.Т., 2014 йил., Тўхтабоев М.Х., Ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш шароитида корхонанинг логистик жараёнини такомиллаштириш, илмий раҳбар доц. Абдуллаева И.М., 2014 йил., Салоҳиддинов Н.Ш., Мижозларга хизмат кўрсатишда Интернет-банкнинг тизимидан фойдаланиш, илмий раҳбар катта ўқитувчи Насриддинова Ш.Т., 2014 йил.

Тадқиқот объекти ва предмети. Битирув малакавий ишнинг тадқиқот объекти Тошкент вилояти божхона бошқармаси, предмети эса божхона хизматларини кўрсатиш жараёнларига ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш масаласини таҳлил қилиш ҳисобланади.

Тадқиқот услубияти ва услублари. Битирув малакавий иши услубияти ва услублари сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари ва Қонунлари, давлат стандартлари, умумтармоқ бошқарув услубий материаллари, ватанимиз ва чет эл олимларининг илмий мақолалари, даврий газета ва журналларнинг материаллари асослари бўлмоқда.

Тадқиқот натижаларининг илмий жихатдан янгилик даражаси. Битирув малакавий ишининг илмий янгилиги шундан иборатки, божхона хизматларини кўрсатиш жараёнида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, жумладан лойихачининг бажарадиган ишларини

электрон жадвал, маълумотлар базасини яратиш процессорлари ва Интернет тармоғи ёрдамида амалга оширишни мукаммаллаштириш масаласи ҳисобланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ва тадбиқи. Тадқиқот жараёнида илмий асосланган таклифлар, хулоса ва тавсиялар яхлит самара келтиришга қаратилган бўлиб, уларни божхона хизматларини кўрсатиш жараёнларини амалга оширишда ишлатиш, божхона хизматларини кўрсатиш жараёнини техник-дастурий ва ахборот таъминотини амалга ошириш, бу соҳада амалий дастурларни ишлатишни мукаммаллаштириш катта аҳамиятга эгадир.

Битирув малакавий ишининг тузилиши ва таркиби. Битирув малакавий иши кириш сўзи, учта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиёт рўйхати ва иловалардан иборат. Битирув малакавий иши 102 бетдан иборат бўлиб, 13 та расмни, 5 та жадвал ва 6 та иловани ўз ичига олади.

Бажарилган ишнинг асосий натижалари. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётнинг турли тизимларида божхона хизматларини кўрсатиш жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини ишлатишни мукаммаллаштириш ва бу жараённи автоматлаштиришда битирув малакавий ишида баён этилган технологияни ишлатиш кўзда тутилди.

Хулоса ва таклифларнинг қисқача умумлаштирилган ифодаси. Божхона хизматларини кўрсатиш жараёнини техник-дастурий ва ахборот таъминотини мукаммаллаштиришда битирув малакавий ишида таклиф этилган технология ва таклифлар тадбиқ этилса кўзда тутилган мақсадга ва самарадорликка эришиш мумкин.

1.2. Божхона хизматларини кўрсатиш жараёнларининг моҳияти ва мазмуни

Электрон хизматлар. "Рухсатнома ҳужжатлари" ахборот тизими.

Мазкур тизимга Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, «Ўзстандарт» агентлиги, “Ўзбекэкспертиза” АЖ каби вазирлик ва идоралар сертификат ҳамда рухсатномаларга доир маълумотларни киритишлари, сертификатлар ва рухсатномаларга доир маълумотларини қидиришлари ва кўришли, тасдиқланган сертификат ва рухсатномалар маълумотлари бўйича ҳисоботлар олишлари мумкин.

Ҳар бир вазирлик ва идоралар ходимлари учун тизимда 2 ҳил турдаги рол ишлаб чиқилган. Булар: Раҳбар ва Ходим.

Ходим ролидаги фойдаланувчи томонидан тизимга сертификат ва рухсатномалар маълумотлари киритилади ва ўзгартирилади.

Раҳбар ролидаги фойдаланувчи томонидан ходим киритилган сертификат ва рухсатномалар маълумотлари текширилади ва тасдиқланади.

Тизимга киритилган сертификат ва рухсатномалар маълумотлари куйидаги мақомларда бўлади:

- Янги;
- Таҳрир;
- Тасдиқланган;
- Бекор қилинган.

Тизимдан фойдаланиш тартиби

Ҳар бир фойдаланувчи ўзига бириктирилган электрон рақамли имзога асосланган USB-калит орқали тизимга киради. Тизимда i-Key1000 ҳамда e-Kalit русумли USB калит ишлатилади.

Тизим фойдаланувчиларини дастлабки рўйхатга олиш ва кейинги ўзгартиришларни амалга ошириш вазирлик ва идоралардан Давлат божхона

кўмитаси ва унинг ҳудудий божхона бошқармаларига келиб тушган мурожаатлар асосида тизим администратори томонидан амалга оширилади.

Тизимга кириш.

Тизимдан фойдаланиш Internet Explorer (6.0 версиясидан юқори) интернет броузери ёрдамида амалга оширилади. Тизимга кириш учун Internet Explorer дастурининг адрес қаторига <http://10.0.9.114:9080/bjeks/> териблиб кирилади².

“Ўзстандарт” агентлиги ва ундан аккредитациядан ўтган ташкилотлар, Ветенария бош бошқармаси ҳамда Ўсимликлар карантини бош инспекция ташкилотларидаги фойдаланувчилар тизимда Интернет тармоғи орқали ишлаш имконияти яратилган.

Ўзбекистон Республикасига кириб келаётган ёки чиқиб кетаётган жисмоний шахслар энди йўловчи божхона декларациясини Давлат божхона кўмитаси веб-сайтидан кўчириб олишлари мумкин!

Ушбу интерактив хизматни жорий этиш қўйидаги қулайликларни яратади:

- жисмоний шахслар йўловчи божхона декларациясини компьютер ёрдамида ўзларига қулай бўлган вақтда ва божхона постидан ташқарида (офис, иш жойи ёки уйда) исталган жойда тўлдиришлари мумкин;

- жисмоний шахслар божхона постларидаги баённомаларни тўлдириш устунларида навбат кутиш, ўзлари танлаган тилдаги бланкаларни излаш каби жузъий муаммоларга дуч келишмайди ҳамда йўловчиларнинг вақти тежалади.

- йўловчи божхона декларациясини электрон шаклда тўлдириш вақтида йўл қўйилган хато ва камчиликларни ўша вақтнинг ўзида тузатиш имконияти мавжуд;

ДИҚҚАТ!!! Йўловчи божхона декларацияси бланкасини кўчириб олиш ва тўлдиришдан аввал Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2014

² customs.uz – ЎзР ДБҚ ахборот сайти

йил 5 августда 2606-сон билан рўйхатга олинган "Йўловчи божхона декларациясини тўлдириш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома" билан танишиб чиқинг.

Сиз декларацияни ПДФ форматида сайтдан кўчириб олганингиздан сўнг унга тегишли маълумотларни электрон тарзда киритишингиз мумкин. Маълумотларни киритиб бўлгач, декларациянинг тўғри тўлдирилганлигини унинг қуйи қисмида жойлашган "текшириш" тугмаси орқали текшириб кўришингиз мумкин. Мавжуд хатоларни тузатганингиздан сўнг декларацияни А-5 форматдаги оддий қоғознинг мос равишда олд ва орқа томонига 2 нусхада чоп этинг. Ёки декларацияни аввал чоп этиб, сўнгра ручкада тўлдиришингиз ҳам мумкин.

Электрон хизматлар.

Ташқи иқтисодий фаолиятга тегишли контракт (шартномалар) маълумотларини ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимига киритиш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 7 апрелдаги ПФ-4609-сонли Фармони билан тадбиркорлик субъектлари томонидан ташқи савдо шартномаларни банкларда рўйхатдан ўтказиш амалиёти бекор қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Давлат божхона кўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига бундай шартномаларни электрон рўйхатдан ўтказиш интерактив хизматини яратиш вазифаси белгиланган.

Мазкур топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 27 июндаги 199-сонли қарори билан тадбиркорлик субъектлари томонидан ташқи савдо шартномаларни электрон рақамли имзо билан тасдиқлаган ҳолатда тақдим этиш интерактив хизмати амалиётга киритилган. Ушбу хизмат 2014 йил 1 сентябрдан амалиётга жорий этилганлиги сабабли, тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этилган 21527 та шартнома ва уларга қўшимча битимлар электрон шаклда рўйхатдан

ўтказилган бўлиб, бу 2014 йилдаги умумий мурожаатларнинг 40% ташкил этади.

Аҳоли фаровонлигини янада ошириш, мамлакатнинг иқтисодий барқарорлигини мустаҳкамлашнинг муҳим омили сифатида алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологияларини ривожлантириш Ўзбекистон ҳукумати сиёсатининг устувор вазифалари қаторига киради. Мазкур вазифанинг моҳияти, мақсади ва истикболдаги ривожи Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2013 йилнинг 27 июнида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорида ҳам ўзифодасини топди. Мазкур қарорга мувофиқ, 2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида телекоммуникация технологиялари, тармоқлари ва алоқа инфратузилмасини ривожлантириш дастури тасдиқланди.

Дастурнинг бош мақсади иқтисодиётнинг барча жабҳаларида ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилишни ривожлантириш, ахборот ресурслари, тизимлари ва тармоқларининг яратилишини жадаллаштириш, шунингдек аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган интерактив давлат хизматлари сони ва сифатини янада оширишдан иборат.

2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида телекоммуникация технологиялари, тармоқлари ва алоқа инфратузилмасини ривожлантириш дастурини шартли равишда яна икки дастурга бўлиш мумкин. Биринчи дастур – Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация технологиялари, тармоқ ва инфратузилмасини ривожлантириш бўлса, иккинчи дастур – “Электрон ҳукумат” тизимининг ахборот тизимлари ва маълумотлар базаси комплексини яратиш.

Телекоммуникация технологиялари, тармоқ ва инфратузилмасини ривожлантириш дастурида кенг поласали технологиялар ёрдамида симли ва симсиз алоқани, маълумотлар узатиш ҳамда овозли трафик коммутация марказларини янада ривожлантириш, магистрал телекоммуникация

тармоқларини таъмирлаш ва кенгайтириш, мультимедиа хизматларини кўрсатиш учун зарур инфратузилмани яратиш вазифалари белгилаб олинган.

Мисол учун, 2020 йилгача кенг полосали оптик алоқа тармоқларини ривожлантириш ва кенгайтириш, ундан сўнг мамлакатнинг барча ҳудудларида EDVO, 3G ва 4G, LTE база станцияларини ўрнатиш ишларини олиб бориш режалаштирилган. Корпоратив соҳалар учун мультимедиа хизматларини кўрсатиш студияларини ишга тушириш, ахборот-маълумотнома марказлари, маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш, кенгаш марказлари фаолиятини такомиллаштириш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 27 июндаги ПҚ-1989-сон Қарори билан Ўзбекистон Республикасида “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш бўйича қатор вазифалар белгилаб олинган. Жумладан, “Электрон ҳукумат” тизимининг ахборот тизимлари комплекслари ва маълумотлар базаларини яратиш бўйича чора-тадбирлар ҳамда лойиҳалар рўйхати Комплекс дастури тасдиқланган [39,40].

Комплекс дастур – Ўзбекистонда “Электрон ҳукумат” тизимини жорий етишнинг ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган 22 та лойиҳа ва 6 та тадбирларни ўз ичига олади. Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантиришнинг Комплекс дастурини амалга оширишни мувофиқлаштирувчи Республика комиссияси ташкил қилинган.

Давлат органларининг аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро ахборот алмашинувлари, мулоқотлари, шунингдек бир қатор давлат хизматларини кўрсатиш 2013 йилда ишга туширилган Ягона портал орқали амалга оширилмоқда.

Давлат божхона қўмитаси билан ҳамкорликда мазкур Порталда 2014 йилда бир қатор интерактив хизматлар ташкил қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2014 йил 7 апрелдаги ПФ-4609-сонли Фармони билан тадбиркорлик субъектлари томонидан ташқи савдо

шартномаларни банкларда рўйхатдан ўтказиш амалиёти бекор қилиниб, 2014 йилнинг 1 сентябридан бошлаб шартномаларни Ягона инерактив хизматлар давлат портали электрон тарзда рўйхатдан ўтказиш интерактив хизматининг жорий этилиши хўжалик юритувчи субъектларига қоғозбозликнинг олдини олишга қаратилган яна бир муҳим имкониятни тақдим этди. Биргина, ўтган йил якунига қадар 21,5 мингдан ортиқ шартнома ва қўшимча битимлар электрон шаклда рўйхатдан ўтказилиб, бу жами шартнома ва қўшимча битимларнинг 40 % ини ташкил қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2014 йил 15 апрелдаги ПҚ-2164-сонли қарорига мувофиқ 2015 йилнинг 1 январидан бошлаб тадбиркорлар Ягона портал орқали “Реэкспорт режимига рухсат олиш” ва “Юкларни вақтинча олиб кириш (чиқиш)га рухсат олиш” интерактив хизматларидан фойдаланиб келишмоқда.

Мамлакатимизда ташқи иқтисодий фаолиятнинг ривожланиши ва тадбиркорларга кенг қулайликлар яратилишига катта эътибор берилмоқда. Божхона назорати ва расмийлаштируви жараёнларини янада такомиллаштириш ва шаффофлаштиришга эришишда соҳага ахборот-коммуникация технологияларини ва интерактив хизматларни кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Айниқса, тадбиркорларнинг божхона органига бормасдан туриб божхона соҳасига дахлдор масалаларни Интернет тармоғи орқали ҳал қилишлари учун тегишли шарт-шароитлар яратилмоқда³.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлдаги “Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4455-сонли Фармонининг 5 банди ижросини таъминлаш мақсадида

³ customs.uz – ЎзР ДБК ахборот сайти

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан 2013 йил 1 январдан бошлаб “Товарларни электрон декларациялаш” процедураси Интернет тармоғи орқали интерактив хизмат сифатида тақдим этила бошланди.

Божхона расмийлаштируви процедурасини электрон шаклда жорий этиш тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қулай шароитлар яратади. Энг аввало, “Товарларни электрон декларациялаш” процедураси товарларни божхона расмийлаштируви жараёнида инсон омилини кескин камайтириш ҳамда божхона расмийлаштируви вақтини сезиларли даражада қисқартириш имконини беради.

Товарларни электрон шаклда расмийлаштириш жараёни тадбиркорга ўз идорасидан чиқмасдан туриб, божхона расмийлаштируви жараёнларини масофадан амалга ошириш имкониятини беради. Бу эса албатта тадбиркорнинг вақтини тежаб, молиявий харажатларининг ҳам қисқаришига олиб келади [39,40].

Аввало, бу усул технологик жараёни экспорт-импорт операциялари билан боғлиқ бўлган, узлуксиз ишлаб чиқариш жараёнига эга бўлган йирик корхоналар учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, расмийлаштирувнинг замонавий бу шакли уни янада тезлаштиришга ҳисса қўшади.

Қолаверса, божхоначилар учун соҳада кенг қўлайликлар туғдиради. Жумладан, иш вақти ва қоғоз сарфини тежашга ҳисса қўшади. Маълумотларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш ишларини янада энгилаштиради.

Интернет орқали электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда божхона юк декларацияларини тақдим этиш имконияти яратилиб, 2014 йилда экспорт-импорт операциялари юзасидан расмийлаштирилган божхона юк декларацияларининг 402 мингдан ортиғи ёки 98,7%и электрон тарзда тақдим этилди.

Муҳим жиҳатлардан яна бири шундаки, электрон декларациялашнинг жорий этилиши тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилиш, улар томонидан

божхона қоидаларининг бузилишининг олдини олиш имконини ҳам бермоқда. Хусусан, ушбу тизим томонидан берилган огоҳлантиришлар натижасида 850 дан ортиқ тадбиркорлик субъектлари томонидан божхона қоидаларининг бузилишининг олди олинган.

Товарларни божхонада электрон шаклда расмийлаштириш натижасида тадбиркорлик субъектларининг маблағлари ва вақти тежалишига эришилмоқда. Масалан, 2013 йилда тадбиркорлар томонидан 1,2 млрд сўмдан ортиқ маблағ божхона юк декларациялари қоғоз шаклидаги бланкалари учун сарфланган бўлса, 2014 йилда электрон декларациялаш натижасида бу йўналишдаги харажатларига барҳам берилди. Нафақат, божхона юк декларациялари, балки у билан бирга топширилиши лозим бўлган турли сертификат, шартнома, юк-кузатув хужжатлари каби бир қатор хужжатларнинг ҳам электрон шаклда тақдим этилишининг йўлга қўйилиши 2014 йилда тадбиркорлар томонидан 60 тоннага яқин қоғоз тежалишига хизмат қилди.

1-жадвалда чиқувчи хабарлар рўйхатининг баёни, 2-жадвалда чиқувчи хабарлар ахбороти таркибий бирликларининг рўйхати ва баёни, 3-жадвалда кирувчи хабарларнинг рўйхати ва баёни, 4-жадвалда кирувчи хабарлар ахбороти таркибий бирликларининг рўйхати ва баёни келтирилган.

Кўриб чиқилган мурожаатлар бўйича статистик маълумотлар.

Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 31 мартдаги “Давлат органлари ва давлат муассасаларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги Намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида” 73-сон қарори ҳамда тегишли топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида, Давлат божхона қўмитаси томонидан бир қатор амалий ва ташкилий тадбирлар амалга оширилмоқда.

1-жадвал

Чиқувчи хабарлар рўйхатининг баёни*

№	Хабарнинг номи	Идентификатор	Тақдим этиш шакли	Топширишнинг даврийлиги	Топшириш муддатлари	Ахборотни олувчилар	Бериладиган нусхаларнинг миқдори
1	2	3	4	5	6	7	8
1	Божхона хизматларини кўрсатиш ҳақида маълумотлар	ILAMHM	Электрон шакл	Хар ой	Ой охири	Бошқа бўлимлар ва юқори ташкилотлар	Сўралган ҳажмда
2	Божхона хизматларини кўрсатишнинг бажарилиши ҳақида маълумотлар	ILBHM	Электрон шакл	Хар ой	Ой охири	Бошқа бўлимлар ва юқори ташкилотлар	Сўралган ҳажмда

*Манба: Божхона ҳужжатлари асосида талаба ишланмаси

2-жадвал

Чиқувчи хабарлар ахбороти таркибий бирликларининг рўйхати ва баёни*

№	Ахборотнинг таркибий бирлигининг номи	Идентификатор		Ахборотнинг таркибий бирлигига эга чиқувчи хабарнинг идентификатори	Хисоблашнинг аниқлиги ва ишончилигига талаблар	Белгилардаги узунлик
		дастурда	Математик баён қилишда			
1	2	3	4	5	6	7
1	Божхона хизматларини кўрсатишга ажратилган маблағлар ҳақида маълумотлар	ILAMHM	md	ILAMHM	Аниқ ва тезкор	10
2	Божхона хизматларини кўрсатишнинг бажарилиши ҳақида маълумотлар	ILBHM	ib	ILBHM	Аниқ ва тезкор	10

*Манба: Божхона ҳужжатлари асосида талаба ишланмаси

3-жадвал

Кирувчи хабарларнинг рўйхати ва баёни*

№	Хабарнинг номи	Идентификатор	Такдим этиш шакли	Келиб тушишнинг тезлиги (даврийлиги)	Ўртача (энг катта) хажми
1	2	3	4	5	6
1	Божхона хизматларини кўрсатиш ҳақида маълумотлар	ILNM	Электрон ҳужжат	Сўралган муддатларда	30-60
2	Божхона хизматларини кўрсатишнинг техник-иқтисодий асосий маълумотлари	ILTIA	Электрон ҳужжат	Сўралган муддатларда	20-40

*Манба: Божхона ҳужжатлари асосида талаба ишланмаси

4-жадвал

Кирувчи хабарлар ахбороти таркибий бирликларининг рўйхати ва баёни*

№	Ахборот таркибий бирлигининг номи	Идентификатор (дастурда)	Математик баён қилишда	Микдорларнинг аниқлигига талаблар	Ахборот манбаси	Ахборот манбасининг идентификатори
1	2	3	4	5	6	7
1	Божхона хизматларини кўрсатиш ҳақида маълумотлар	ILNM	id	Аниқ ва тезкор	Бухгалтерия	ILNM
2	Божхона хизматларини кўрсатишнинг техник иқтисодий асосий маълумотлари	ILTIA	it	Аниқ ва тезкор	Бухгалтерия	ILTIA

*Манба: Божхона ҳужжатлари асосида талаба ишланмаси

Жумладан 2015 йил 1 май куни “Божхона органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 114-сон буйруғи ишлаб чиқилди ва ижрога қаратилди.

ДБКда жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари қбул қилиш хоналари барча зарур жиҳозлар билан таъминланди. Бундан ташқари, ҳамма кира оладиган ва кўрадиган жойларда, раҳбарлар томонидан жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари қбул қилиш кунлари ва вақтлари жадвали, мурожаатларнинг тақдим этиш ва кўриб чиқиш тартиблари ҳамда мурожаатларни ёзиш бўйича намуналар “Ахборот-стенд”лар кўринишида жойлаштирилди.

Божхона органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаётган масъул ходимлар замонавий компьютер техникалари, интернет тармоғи ва бошқа шарт-шароитлар билан таъминланган.

Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни ва қонуности ҳужжатларини божхона органлари шахсий таркиби томонидан мукамал ўрганилишини ташкил этиш мақсадида режа асосида семинарлар, хизмат йиғилишлари ва видеоконференциялар ўтказиб келинмоқда.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари бўйича амалга ошириладиган ишлар аҳволи мунтазам равишда хизмат йиғилишларда ҳамда ҳар чорак якунида ДБК Ҳайъати ва ҳудудий бошқармаларнинг Кенгаш мажлисларида танқидий муҳокама этилиб, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб борилмоқда.

Божхона органларида асосий эътибор фуқаролар ва юридик шахслар мурожаатларини ўз вақтида кўриб чиқиш, қонуний ҳал этиш ва асосланган жавоб хатларини юбориш, шу билан бирга уларни чуқур таҳлил қилиш, ариза ва шикоятларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш (айниқса такрорий мурожаатларни), уларнинг олдини олиш ва келгусида такрорланмаслигини таъминлашга қаратилиб, зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

2015 йил давомида Давлат божхона қўмитасига жисмоний ва юридик шахслардан жами 1294 та, шу жумладан жисмоний шахслардан 820 та, юридик шахслардан 474 та мурожаатлар келган. Шундан 576 таси ёки 44,5% Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали келиб тушган.

Назоратга олинган мурожаатларни 827 таси бўйича тушунтиришлар берилди, 198 таси бўйича тегишли чоралар кўрилди, 28 таси рад этилди ва 121 таси кўриб чиқилмоқда.

2015 йилда ДБҚ раҳбарияти томонидан жами 78 маротаба жисмоний ёки юридик шахслар қабул қилиниб, кўтарилган масалалари ижобий ҳал этилди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган жадвал асосида ДБҚ Раиси ва унинг ўринбосарлари раҳбарлигида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари билан 28 маротаба сайёр қабуллар ташкил этилди.

Бундан ташқари, ҳудудий бошқармаларда ташкил этилган Божхона маслаҳати кенгашлари ҳамда ДБҚ веб-сайтида жорий этилган “Саволлар-жавоблар”, “Божхоначи тадбиркор таянчи” рукнлари орқали жисмоний ва юридик шахсларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоблар берилмоқда.

Давлат божхона қўмитаси марказий аппарати ва ҳудудий бошқармаларида мурожаатларни кўриб чиқиш борасида амалга оширилаётган ишлар мунтазам равишда таҳлил қилиниб, уларни қонун талабларига мувофиқ кўриб чиқилиши доимий назорат қилинмоқда.

1.3. Божхона хизматларини кўрсатиш жараёнларига ахборот-коммуникация технологияларини қўллашдаги муаммоларнинг баёни

Аҳоли фаровонлигини янада ошириш, мамлакатнинг иқтисодий барқарорлигини мустаҳкамлашнинг муҳим омили сифатида алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологияларини ривожлантириш Ўзбекистон ҳукумати сиёсатининг устувор вазифалари қаторига киради. Мазкур вазифанинг моҳияти, мақсади ва истиқболдаги ривожи Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2013 йилнинг 27 июнида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорида ҳам ўзифодасини топди. Мазкур қарорга мувофиқ, 2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида телекоммуникация технологиялари, тармоқлари ва алоқа инфратузилмасини ривожлантириш дастури тасдиқланди.

Дастурнинг бош мақсади иқтисодиётнинг барча жабҳаларида ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилишни ривожлантириш, ахборот ресурслари, тизимлари ва тармоқларининг яратилишини жадаллаштириш, шунингдек аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган интерактив давлат хизматлари сони ва сифатини янада оширишдан иборат.

2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида телекоммуникация технологиялари, тармоқлари ва алоқа инфратузилмасини ривожлантириш дастурини шартли равишда яна икки дастурга бўлиш мумкин. Биринчи дастур – Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация технологиялари, тармоқ ва инфратузилмасини ривожлантириш бўлса, иккинчи дастур – “Электрон ҳукумат” тизимининг ахборот тизимлари ва маълумотлар базаси комплексини яратиш⁴.

Телекоммуникация технологиялари, тармоқ ва инфратузилмасини ривожлантириш дастурида кенг поласали технологиялар ёрдамида симли ва

⁴ www.search.re.uz - Ўзбекистоннинг ахборотларни излаб топиш тизими

симсиз алоқани, маълумотлар узатиш ҳамда овозли трафик коммутация марказларини янада ривожлантириш, магистрал телекоммуникация тармоқларини таъмирлаш ва кенгайтириш, мультимедиа хизматларини кўрсатиш учун зарур инфратузилмани яратиш вазифалари белгилаб олинган.

Мисол учун, 2020 йилгача кенг полосали оптик алоқа тармоқларини ривожлантириш ва кенгайтириш, ундан сўнг мамлакатнинг барча ҳудудларида EDVO, 3G ва 4G, LTE база станцияларини ўрнатиш ишларини олиб бориш режалаштирилган. Корпоратив соҳалар учун мультимедиа хизматларини кўрсатиш студияларини ишга тушириш, ахборот-маълумотнома марказлари, маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш, кенгаш марказлари фаолиятини такомиллаштириш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 27 июндаги ПҚ-1989-сон Қарори билан Ўзбекистон Республикасида “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш бўйича қатор вазифалар белгилаб олинган. Жумладан, “Электрон ҳукумат” тизимининг ахборот тизимлари комплекслари ва маълумотлар базаларини яратиш бўйича чора-тадбирлар ҳамда лойиҳалар рўйхати Комплекс дастури тасдиқланган.

Комплекс дастур – Ўзбекистонда “Электрон ҳукумат” тизимини жорий етишнинг ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган 22 та лойиҳа ва 6 та тадбирларни ўз ичига олади. Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантиришнинг Комплекс дастурини амалга оширишни мувофиқлаштирувчи Республика комиссияси ташкил қилинган.

Давлат органларининг аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро ахборот алмашинувлари, мулоқотлари, шунингдек бир қатор давлат хизматларини кўрсатиш 2013 йилда ишга туширилган Ягона портал орқали амалга оширилмоқда.

Давлат божхона қўмитаси билан ҳамкорликда мазкур Порталда 2014 йилда бир қатор интерактив хизматлар ташкил қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга

доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2014 йил 7 апрелдаги ПФ-4609-сонли Фармони билан тадбиркорлик субъектлари томонидан ташқи савдо шартномаларни банкларда рўйхатдан ўтказиш амалиёти бекор қилиниб, 2014 йилнинг 1 сентябридан бошлаб шартномаларни Ягона инерактив хизматлар давлат портали электрон тарзда рўйхатдан ўтказиш интерактив хизматининг жорий этилиши хўжалик юритувчи субъектларига қоғозбозликнинг олдини олишга қаратилган яна бир муҳим имкониятни тақдим этди. Биргина, ўтган йил якунига қадар 21,5 мингдан ортиқ шартнома ва қўшимча битимлар электрон шаклда рўйхатдан ўтказилиб, бу жами шартнома ва қўшимча битимларнинг 40 % ини ташкил қилди.

Шунингдек, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари 2014 йил ноябрь ойиданб ошлаб мазкур портал орқали божхона тўловлари бўйича солиштирув далолатномалари, автомобил ва темир йўл транспортида етказилган юklar ва божхона омборлари ҳақида маълумотларни олиш имкониятига эга бўлишди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2014 йил 15 апрелдаги ПҚ-2164-сонли қарорига мувофиқ 2015 йилнинг 1 январидан бошлаб тадбиркорлар Ягона портал орқали “Реэкспорт режимига рухсат олиш” ва “Юкларни вақтинча олиб кириш (чиқиш)га рухсат олиш” интерактив хизматларидан фойдаланиб келишмоқда.

Тошкент шаҳри, 100015, Ойбек кўчаси 30

Электрон почта: info@egov.uz

+(998 71) 252-5026

Боғланиш вақти: 10:00 - 16:00

Ишонч телефони: +(998 71) 252-4323

Боғланиш вақти: 10:00 - 16:00

Веб-сайт: www.egovernment.uz

Мамлакатимизда ташқи иқтисодий фаолиятнинг ривожланиши ва тадбиркорларга кенг қулайликлар яратилишига катта эътибор берилмоқда. Божхона назорати ва расмийлаштируви жараёнларини янада такомиллаштириш ва шаффофлаштиришга эришишда соҳага ахборот-коммуникация технологияларини ва интерактив хизматларни кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Айниқса, тадбиркорларнинг божхона органига бормасдан туриб божхона соҳасига дахлдор масалаларни Интернет тармоғи орқали ҳал қилишлари учун тегишли шарт-шароитлар яратилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлдаги “Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4455-сонли Фармонининг 5 банди ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан 2013 йил 1 январдан бошлаб “Товарларни электрон декларациялаш” процедураси Интернет тармоғи орқали интерактив хизмат сифатида тақдим этила бошланди.

Божхона расмийлаштируви процедурасини электрон шаклда жорий этиш тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қулай шароитлар яратади. Энг аввало, “Товарларни электрон декларациялаш” процедураси товарларни божхона расмийлаштируви жараёнида инсон омилини кескин камайтириш ҳамда божхона расмийлаштируви вақтини сезиларли даражада қисқартириш имконини беради.

Товарларни электрон шаклда расмийлаштириш жараёни тадбиркорга ўз идорасидан чиқмасдан туриб, божхона расмийлаштируви жараёнларини масофадан амалга ошириш имкониятини беради. Бу эса албатта тадбиркорнинг вақтини тежаб, молиявий харажатларининг ҳам қисқаришига олиб келади.

Аввало, бу усул технологик жараёни экспорт-импорт операциялари билан боғлиқ бўлган, узлуксиз ишлаб чиқариш жараёнига эга бўлган йирик

корхоналар учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, расмийлаштирувнинг замонавий бу шакли уни янада тезлаштиришга ҳисса қўшади.

Қолаверса, божхоначилар учун соҳада кенг қўлайликлар туғдиради. Жумладан, иш вақти ва қоғоз сарфини тежашга ҳисса қўшади. Маълумотларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш ишларини янада енгилаштиради.

Интернет орқали электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда божхона юк декларацияларини тақдим этиш имконияти яратилиб, 2014 йилда экспорт-импорт операциялари юзасидан расмийлаштирилган божхона юк декларацияларининг 402 мингдан ортиғи ёки 98,7%и электрон тарзда тақдим этилди.

Муҳим жиҳатлардан яна бири шундаки, электрон декларациялашнинг жорий этилиши тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилиш, улар томонидан божхона қоидаларининг бузилишининг олдини олиш имконини ҳам бермоқда. Хусусан, ушбу тизим томонидан берилган огоҳлантиришлар натижасида 850 дан ортиқ тадбиркорлик субъектлари томонидан божхона қоидаларининг бузилишининг олди олинган.

Товарларни божхонада электрон шаклда расмийлаштириш натижасида тадбиркорлик субъектларининг маблағлари ва вақти тежалишига эришилмоқда. Масалан, 2013 йилда тадбиркорлар томонидан 1,2 млрд сўмдан ортиқ маблағ божхона юк декларациялари қоғоз шаклидаги бланкалари учун сарфланган бўлса, 2014 йилда электрон декларациялаш натижасида бу йўналишдаги харажатларига барҳам берилди. Нафақат, божхона юк декларациялари, балки у билан бирга топширилиши лозим бўлган турли сертификат, шартнома, юк-кузатув ҳужжатлари каби бир қатор ҳужжатларнинг ҳам электрон шаклда тақдим этилишининг йўлга қўйилиши 2014 йилда тадбиркорлар томонидан 60 тоннага яқин қоғоз тежалишига хизмат қилди.

II-боб. Божхона хизматларини кўрсатиш жараёнларига ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш масаласининг баёни

2.1. Божхона хизматларини кўрсатиш жараёнларига ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш масаласининг мазмуни

Давлат божхона қўмитаси фаолиятининг ошкоралигини таъминлаш, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари ва кенг жамоатчиликнинг божхона органларида амалга оширилаётган турли йўналишлардаги кенг камровли ислохотларнинг бориши тўғрисида мунтазам хабардор қилиш божхона тизимини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Жамоатчилик билан алоқаларни йўлга қўйиш, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларини, маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларини божхона органлари фаолиятига дахлдор маълумотлардан хабардор қилиш бўйича Давлат божхона қўмитаси кўп йиллик тажрибага эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 25 октябрдаги фармони асосида Давлат божхона қўмитаси ташкил топган бўлиб, унинг таркибидан Оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бўлими яъни Ахборот хизмати ҳам ўрин олган эди.

Бўлимнинг Низоми ва ходимларнинг лавозим йўриқномалари 2006, 2011 ва 2015 йиллар давомида қайта ишлаб чиқилиб, тасдиқланган.

Бўлимнинг айни пайтдаги Низоми жамоатчилик вакиллари ва ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларини божхона органлари фаолиятининг долзарб жиҳатларини, ягона божхона сиёсатини амалга ошириш масалалари, божхона қоидалари, тартиблари, соҳа бўйича қабул қилинаётган янги меъёрий ҳужжатлар, улардаги ўзгаришлар, соҳада рўй бераётган янгиланишлар ҳақида ўз вақтида хабардор қилиб бориш, шу мақсадда оммавий ахборот воситалари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш, улар билан ахборотлар алмашиш, маълумотларни ОАВда ва Интернет тармоғида ёритиш, ташқи фойдаланувчилар учун доимий равишда турли маълумотлар тақдим этишни тизимли равишда йўлга қўйишга хизмат қилиб келмоқда.

Бўлим ўз фаолиятини самарали ташкил этиши учун етарли моддий техник база билан таъминланган. Шунингдек, телевидение учун тайёр лавҳалар тайёрлаб беришни таъминловчи ўз тасвирга олиш ва монтаж қилиш техникаларига эга. Бўлим ходимларининг хизмат компьютерлари юқори тезликдаги Интернет тармоғига уланган.

Ўзига юклатилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида ташкилий ва амалий тадбирларни ўтказишда Оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бўлими ҳудудий божхона бошқармалари билан ҳамкорликда қўмита раҳбарияти томонидан тасдиқланган режалар асосида ишлар олиб бормоқда.

2011 йилда Давлат божхона қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар божхона бошқармаларида, “Тошкент-Аэро” ихтисослаштирилган божхона комплексида оммавий ахборот воситалари билан алоқалар гуруҳи - ахборот хизматлари ташкил этилган.

Оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бўлимнинг функциялари ва вазифалари.

ДБК раҳбарияти билан ўрнатилган тартибда келишилган ҳолда оммавий ахборот воситаларида (бундан буён матнда ОАВ деб юритилади) божхона органлари фаолиятининг долзарб масалаларини ёритиш;

ОАВ учун хабарларни (мақолалар пресс-релизлар, бюллетенлар, нашрлар ва бошқа маълумотларни) тайёрлаш ва тарқатиш, шунингдек, телелавҳа ва радиоэшиттиришларни ташкил этиш;

- ахборотдан фойдаланувчиларнинг божхона органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотдан монеликсиз фойдаланишини таъминлашга доир фаолиятини мувофиқлаштириб бориш;

- ахборотдан фойдаланувчиларнинг божхона органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотдан монеликсиз фойдаланиши ҳамда қонун билан белгиланган маълумотларни қўмитанинг расмий веб-сайтига ўз вақтида жойлаштирилишини таъминлаш.

- Ўзбекистон Республикаси оммавий ахборот воситалари мухбирларини Давлат божхона қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармалари ҳузурида аккредитация қилинишига доир фаолиятни мувофиқлаштириб бориш;

- божхона органлари фаолиятига оид янги қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини миллий ОАВда эълон қилиш ишларини ташкиллаштириш;

- интернет тармоғида ДБК веб-ресурсларини ташкил этиш, уларнинг самарали фаолиятини таъминлаш;

- Давлат божхона қўмитаси веб-сайтини ахборотлар билан тўлдириб бориш ва янгилаш, сайт орқали келиб тушган мурожаатларга жавоб бериб бориш

- ОАВ вакиллари билан биргаликда матбуот конференциялари, брифинглар, интервьюлар ва бошқа тадбирларни ташкил этиш;

- божхона органларининг жамоатчилик ҳамда ОАВ билан ҳамкорлик ўрнатиш, назорат қилиш, уларга ёрдам ва тавсиялар бериш;

- соҳавий назоратни амалга ошириш, қуйи тизимлар фаолиятини такомиллаштириш бўйича ташкилий-услубий ҳужжатлар (услубий қўлланма, йўналтирувчи хат, кўрсатма, танбеҳ кабилар) ишлаб чиқиш;

- божхона соҳасидаги ҳуқуқ-тарғибот ишларини амалга ошириш, божхонага оид қонунчиликдаги янгиликлар, хусусан, мамлакатда тадбиркорлик фаолияти учун яратилган қулайлик ва енгилликларнинг мазмун-моҳиятини тушунтиришда фаол иштирок этиш;

Ахборот-кутубхона ҳақида.

Айни пайтда Давлат божхона қўмитаси кутубхонаси фондида 1 мингдан ортиқ номда 5 минг донага яқин адабиётлар жамланган.

Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида Давлат божхона қўмитаси Марказий аппаратининг шахсий таркиби ва ёлланма ходимларига сифатли ахборот-кутубхона хизматини кўрсатиш, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларининг интеллектуал эҳтиёжларини қондириш ва мустақил билим олишларини ривожлантиришни йўлга қўйиш мақсадида ДБК

Кутубхонаси негизда Ахборот-кутубхонасини ташкил этиш ва уларни энг сўнгги замонавий талаблар асосида жиҳозлаш ишлари якунига етказилмоқда.

Халқимизнинг маданий, маънавий-ахлоқий қадриятларини божхоначилар ўртасида кенг тарғиб қилиш, шунингдек, жаҳон адабиёти дурдоналаридан баҳраманд қилиш орқали ходимларнинг маънавий дунёқарашини кенгайтириб, пировардида соҳа самарадорлигига ҳам хизмат қилади⁵.

Давлат божхона қўмитаси Ахборот-кутубхонасини ташкил этиш ва уни жиҳозлаш учун ҳуқуқий асослар:

- Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 13 апрелдаги "Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида"ги № ЎРҚ-280 сонли Қонуни;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 февральдаги “2011-2015 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари асосида ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс хизматларини янада сифатли ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1487- сонли қарори;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 5 июлдаги “Электрон кутубхона тўғрисидаги намунавий низомни ҳамда ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида ва кутубхоналарда тўлиқ матнли электрон ахборот-кутубхона ресурслари фондини яратиш режа-жадвалини тасдиқлаш ҳақида”ги 198-сонли қарори;
- Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 1999 йил 25 февралдаги “ДБҚ кутубхонаси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 55-сонли буйруғи

Давлат божхона қўмитаси Ахборот-кутубхонасини ташкил этиш ва уни жиҳозлашнинг мақсади

- ДБҚ Марказий аппаратининг шаҳодатланган, ёлланма ва хизмат кўрсатувчи ходимларига юқори сифатли ахборот-кутубхона хизматини кўрсатиш;

⁵ customs.uz – ЎзР ДБҚ ахборот сайти

- ДБҚ ахборот-кутубхонаси фондидаги мавжуд босма ва электрон нашрларни етарли шарт-шароитларда сақлашни таъминлаш ва уларни асраб-авайлаш;

- ДБҚ Ахборот-кутубхонаси фонди таркибида келажакда электрон кутубхона ташкил этилиши муносабати билан етарли шарт-шароитларни яратиш, шу жумладан замонавий ахборот-коммуникацион технологиялари билан таъминлаш;

- ДБҚ Ахборот-кутубхонасида китобхонлар ва фойдаланувчиларга мутолаа учун ҳар томонлама қулай муҳитни шакллантириш.

2.2. Божхона хизматларини кўрсатиш жараёнини техник ва ахборот таъминотини таҳлили

Масала ечимининг математик баёнида жорий масалани ечиш учун керак бўладиган бошланғич маълумотлар, масалани ечиш учун танланган усул, ишлатилаётган асосий индексларни мазмуни ва моҳиятига тушунтириш бериш керак бўлади. Шу билан бир қаторда ишлатилаётган кўрсаткичларни ўзгариш оралиқлари, ўзгариш қадами, минимал ва максимал қабул қилиши мумкин бўлган қийматлар тўғрисида ҳам маълумотлар ёритилиши керак. Масаланинг тўғри ечилиши, унинг натижаларини тўғрилиги ва аниқлиги шу масалани ечиш учун танланган математик усулга чамбарчас боғлиқдир.

Ахборот тизимидаги жараёнларни такомиллаштиришни назорат қилиш масаласининг математик баёни қуйидагичадир. Ахборот тизимига келаётган ва ундан чиқаётган иш юритишга оид ҳужжатлари сони мос равишда A_i ва B_j деб қабул қилинади. Кирувчи ҳужжатларда келтирилган вазифаларнинг ижобий бажарилганлари сони C_k , салбий бажарилганлари (бажарилмаганлари) сонини D_l деб қараш мумкин. Ахборот тизимининг ички иш юритиш ҳужжатларида (буйруқ, қарор, фармойиш, кўрсатма) баён этилган вазифалар тўпламини X_m деб олинади. Ахборот тизимининг ҳар бир бўлимидаги ижро этиладиган ҳужжатларнинг сонини мос равишда $Y_1, Y_2, \dots, Y_n$ деб қабул қилинади.

Алгоритмни ишлаб чиқиш – энг мураккаб ва кўп меҳнат талаб этувчи, лекин ижодий нуқтаи назардан қараганда энг қизиқарли жараёндир.

Ишлаб чиқиш методини танлаш, масаланинг қўйилиши ва унинг моделига боғлиқ. Ушбу босқичда алгоритмнинг тўғрилигини текшириш лозим. Бу эса осон эмас, кўп меҳнат талаб этади. Алгоритм тўғрилигини исботлашнинг кенг тарқалган процедураси – бу турли тестлар мажмуида уни ўтказишдир. Аммо булар ҳам программанинг тўғри ишлашига кафолат бера олмайди. Алгоритм тўғрилигини исботлашнинг умумий методикасига асосан алгоритм, қадамлар кетма-кетлиги кўринишида тавсифланади. Ҳар бир қадам учун ҳамма киритилиши (ушбу қадамгача бўлган шартлар асосида) ва чиқарилиши (ушбу қадамдан кейинги шартлар ҳисобга олинган ҳолда) лозим бўлган маълумотлар асосида унинг тўғрилигини исботловчи биронта исбот таклиф этилади. Сўнгра якуний киритиладиган ва чиқариладиган маълумотлар билан алгоритмнинг тугалланганлиги исботи таклиф этилади.

Алгоритм - бу бирламчи маълумотларга асосланган ҳолда, маълум чегараланган кўрсатмаларнинг кетма-кетлиги бажарилишининг аниқ қадамлар сони билан масаланинг ечилишига эришиш.

Шу билан бирга алгоритмни соф математик тушунча деб таърифлаб бўлмайди. Юқорида айтилганидек, ҳар хил ҳаётий воқеалар ҳам алгоритм тарзида тавсифланиши мумкин.

Нафақат маиший ҳаётимизда, балки математикада ҳам айрим жараёнлар тахминан тавсифланади. Бирон масалани алгоритмлаштириш жараёнида уни формаллаштириш зарур. Формаллаштириш жараёни - бу кўриб чиқиладиган масалани сўзлар, формулалар, кўрсатмалар еки бошқа йўл билан аниқ алгоритм тузиш даражасига етказишдир [28,29].

Формаллаштириш натижасида масаланинг модели тузилади. Тузилган модель асосида масаланинг алгоритми бажарилади. Бу ўринда албатта моделнинг қисқа таърифини бериш лозим.

Модель - бу объект, объектлар мажмуи, еки бирон жараёни математик муносабатлари, текст, жадваллар еки бошқа йўл билан формал таърифлашдир.

Божхона бошқармасида маълумотларни қайта ишлаш учун қуйидаги техник ва дастурий воситалар ишлатилади:

1. Бош ҳисобчи учун сервер:
 - Intel Pentium IV процессори, ишлаш частотаси 4 ГГц, нархи 4.050.000 сўм;
 - Винчестер IBM 700 Гб 7200 rpm , нархи 684.000 сўм;
 - Дисковод CD ROM ASOS 50x(CD-S 500) OEM , нархи 152.900 сўм;
 - Дисковод Flash USB DRIVE 2 Гб, нархи 345.000 сўм;
2. Хотира модули DIMM 512 Мб SD RAM PC – 2430, нархи 150.000 сўм.
3. Монитор 17” Samtron 56E (800x600 @ 85 Hz), нархи 769.000 сўм.
4. Тизимли плата Jetway 965 D, нархи 249.000 сўм.
5. Тармоқли кабель 2.500 сўм/метр.
6. Клавиатура AyTech Multimedia , нархи 72.500 сўм.
7. “Сичқонча” қурилмаси Optic Mouse 2^x Click, нархи 35.200 сўм.

Компьютернинг умумий истеъмол қиладиган қуввати – 450 Вт/соат.

Бухгалтерлар учун учта шахсий компьютерлар ажратилади. Уларнинг параметрлари қуйидагилар:

- Intel Celeron 1400 процессори, ишлаш частотаси 2,8 ГГц, ҳар бирининг нархи 2.030.000 сўм;
- Винчестер SATA 40 Гб 7200 rpm , нархи 450.000 сўм;
- Дисковод FDD 3,5 “ , 1,44 Мб , нархи 35000 сўм;
- Монитор 15” Samtron 56E (800x600 @ 85 Hz), нархи 370.000 сўм.
- Тизимли плата Ascorp 5 VIA 85 T, нархи 297.000 сўм.
- Тармоқли кабель 2.500 сўм/метр.
- Клавиатура AyTech Multimedia , нархи 42.500 сўм.
- “Сичқонча” қурилмаси Optic Mouse 2^x Click, нархи 29.200 сўм.

- Компьютерларнинг умумий истеъмол қиладиган қуввати – 450 Вт/соат.

Хужжатларни босмага чиқариш учун 2 та Canon HP 2900 лазерли принтери харид қилинган, хар бирининг нархи 787.000 сўм, битта принтерни истеъмол қиладиган қуввати 120 Вт/соат.

Божхона бошқармасида ишлашни ташкил этиш учун қўшимча куйидаги техника воситалари ишлатилади:

1. Hub Switch 24 - 4 та, нархи 282.000 сўм, истеъмол қиладиган қуввати 120 Вт/соат.
2. US Robotics маркали модем қурилмаси – 8 та , нархи 154.000 сўм, истеъмол қиладиган қуввати 120 Вт/соат.
3. Benq 7650 маркали сканер - 2 та, нархи 480.000 сўм, истеъмол қиладиган қуввати 120 Вт/соат.

Юқорида баён этилган компьютерлар ва техника воситалари электрон хужжатлар билан ишлаш учун етарлидир. Улар қимматбаҳо ҳисобланмайди ва барча зарур амалларни бажара оладилар.

Божхона бошқармасида ҳисоб-китобни олиб бориш учун энг мос келадиган дастур воситалари “ОФО-БАНК”, “1С: ИНФО” ва “1С: БУХГАЛТЕРИЯ” бухгалтерлик дастурлари ҳисобланади, улар банк ва кредит ташкилотлари учун махсус тузилган, дастур ёрдамида банк ва бухгалтерия ҳисоблари, ҳамда дебет-кредит бўйича фоизларни тўғри ҳисобланиши амалга оширилади, ҳисоб-китобларни олиб боришда хатоликларга йўл қўйилмайди.

Ахборот таъминоти динамикада жараён сифатида «коммуникация» тушунчаси таркибига кириб, унинг асосида корхона раҳбарияти самарадорлиги юқори қарорлар қабул қилиш учун ахборотга эга бўлади ва уни бевосита бажарувчиларга етказди. Агар коммуникациялар яхши йўлга қўйилмаган бўлса, ходимлар корхона раҳбарияти улардан нима истаётганлигини тушунмаслиги, натижада ўзаро муносабатларга путур етиши мумкин.

Амалиётнинг кўрсатишича, корхона рахбари ўз вақтининг 50-80% қисмини коммуникацияга сарфлайди. Бу билан у биринчидан, ишлаб чиқаришни бошқаришда ўз ролини бажариш, иккинчидан ахборот алмашишда иштирок этиш ва шу асосда бошқарувнинг барча функциялари бўйича турли қарорлар қабул қилиш учун шуғулланади. Бунда замонавий компьютер техникаси муҳим роль ўйнайди, чунки унинг ёрдамида зарур ахборотларни минг марталаб тезроқ қайта ишлаш ва узатиш мумкин⁶.

Ахборотларни машинада қайта ишлаш ва алоқа каналлари орқали узатиш учун маълумот ва ахборотларни рақам кўринишида тасвирлаш лозим, яъни ахборотни машина тилига кўчириш лозим. Ахборотли машина тилига техник иқтисодий ахборотнинг классификатори киради.


Ахборотларнинг семантикасини белгиловчи тушунчалар ва атамаларнинг ягона тизими асосида ахборотларни туркумлаш ва кодлаштириш тизими кўриб чиқиладиган объектлар, ҳодисалар ҳақидаги хабарларни табиий тилдан туркумлаш объектларининг берилган кўпчилигини бир маънода белгиладиган тилга ўтказиш имкониятини таъминлайди ва табиий тилда мавжуд бўлган уларнинг турига талқин қилинишини камайтиради, ахборотларни ШК га киритиш ва ишлаб чиқишни енгиллаштиради.

Ахборотларни туркумлаш объектлар, корхонанинг бўлимлари (материаллар, баланс ҳисоботлари ва х.к.) нинг баъзи бир кўпчилигини тартибга солиш ва уларнинг ўхшашлик ва фарқларининг белгиланган аломатларига ва аломатлар ичидаги боғлиқликларга мувофиқ кўпликларга бўлишдир. Туркумлаш ахборотларнинг ҳар хил элементлари таърифларининг алоқасини кўрсатувчи ахборотларни кодлаштиришнинг асоси бўлади. У ШК ёрдамида ахборотларни қидириш учун кодлардан фойдаланишга имкон беради.

⁶ customs.uz – ЎзР ДБҚ ахборот сайти

Ахборотларни кодлаштириш. Белгиларининг сони бўйича иқтисодий ахборотларнинг кодлари кам белгили (1-2 белги) ва кўп белгилига бўлинадилар. Бу кодлардан ҳар бири бир неча оддийлардан иборат бўлган мураккаб бўлиши мумкин.

Мураккаб боғланган кодлар бўлади, шу сабабли коднинг таркибий қисмларини бўлиш мумкин эмас, акс ҳолда ўз маъносини йўқотади. Мураккаб кодлар боғланмаган бўлса, унда ҳар бир қисм мустақил мазмунга эга бўлади (3-расм).



3- расм. Мураккаб боғланган код кўриниши*

*Манба: www.search.re.uz - Ўзбекистоннинг ахборотларни излаб топиш тизими

Кодлашнинг асосий тамойиллари. Ахборотларни техник иқтисодий кодлаштириш ишлаб чиқаришни автоматлаштирилган бошқарувнинг барча участкаларида ечилади, ҳужжатларнинг шакллари, алгоритмлар, дастурлар унга боғлиқ бўлади.

Техник иқтисодий ахборотларни кодлаштиришда қуйидагилар зарур:

- ишлаб чиқаришнинг хусусиятини ҳисобга олиш билан объектнинг тўлиқ таърифини акс этириш;
- коднинг энг кам белгиланлигини танлаш;
- кодларнинг энг катта мантиқлиги (аниқлиги, соддалиги, эсда қолишлиги) ни таъминлаш;

- кодлаштириш тизимини қайта қурмасдан навларни кенгайтириш учун эркин кодли белгиларнинг резервига эга бўлиш;
- маълумотларни ишлаб чиқишни олиб борилиши кўзда тутилаётган техник воситаларнинг фойдаланиш имкониятларини ҳисобга олиш;
- навларнинг мавжуд кодлари ва умумий қабул қилинган белгиларидан фойдаланиш;
- маълумотларни ШК да ишлаб чиқишда хатоларни автоматик назорат қилиш имкониятларини таъминлаш;
- ташқи тизимлар билан уланиш заруриятини ҳисобга олиш;
- маълумотларни ишлаб чиқиш алгоритмлари билан мувофиқлашувини ҳисобга олиш;
- классификаторларни яратиш ва олиб бориш ҳолида уларни ишлашга ва худди шундай қийматини сақлаб туриш ҳолатини ҳисобга олиш.

Коднинг сифими. Коднинг узунлиги ва алфавитда кодлаштириш мумкин бўлган объектларнинг энг катта сонини таърифлашдир.

$E_x = a^2 - 1$. Бу ерда, a - коднинг асоси, 2 - коднинг белгилардаги узунлиги.

Коднинг узунлиги коддаги белгиларнинг миқдори билан ўлчанади ва қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$Y = \log N_g(a)$, бу ерда $N_g(a)$ - объектларнинг ҳақиқий сони.

Кодли белгиланишнинг ахборотлилигини коэффициенти кодлаштирилган аломатлар сонини коднинг узунлигига нисбатидан иборат бўлади.

Ҳозирги вақтда ахборотларни кодлаштиришнинг бир неча тизимлари: тартибли, серияли, позицион ва комбинацияланган тизимлари қўлланилади.

Товарларни электрон шаклда декларациялаш. Мамлакатимизда ташқи иқтисодий фаолиятнинг ривожланиши ва тадбиркорларга кенг қулайликлар яратилишига катта эътибор берилмоқда. Божхона назорати ва расмийлаштируви жараёнларини янада такомиллаштириш ва шаффофлаштиришга эришишда соҳага ахборот-коммуникация

технологияларини ва интерактив хизматларни кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Айниқса, тадбиркорларнинг божхона органига бормасдан туриб божхона соҳасига дахлдор масалаларни Интернет тармоғи орқали ҳал қилишлари учун тегишли шарт-шароитлар яратилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлдаги “Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4455-сонли Фармонининг 5 банди ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан 2013 йил 1 январдан бошлаб “Товарларни электрон декларациялаш” процедураси Интернет тармоғи орқали интерактив хизмат сифатида тақдим этила бошланди.

Божхона расмийлаштируви процедурасини электрон шаклда жорий этиш тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қулай шароитлар яратади. Энг аввало, “Товарларни электрон декларациялаш” процедураси товарларни божхона расмийлаштируви жараёнида инсон омилини кескин камайтириш ҳамда божхона расмийлаштируви вақтини сезиларли даражада қисқартириш имконини беради.

Товарларни электрон шаклда расмийлаштириш жараёни тадбиркорга ўз идорасидан чиқмасдан туриб, божхона расмийлаштируви жараёнларини масофадан амалга ошириш имкониятини беради. Бу эса албатта тадбиркорнинг вақтини тежаб, молиявий харажатларининг ҳам қисқаришига олиб келади.

Аввало, бу усул технологик жараёни экспорт-импорт операциялари билан боғлиқ бўлган, узлуксиз ишлаб чиқариш жараёнига эга бўлган йирик корхоналар учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, расмийлаштирувнинг замонавий бу шакли уни янада тезлаштиришга ҳисса қўшади.

Қолаверса, божхоначилар учун соҳада кенг қўлайликлар туғдиради. Жумладан, иш вақти ва қоғоз сарфини тежашга ҳисса қўшади.

Маълумотларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш ишларини янада енгилаштиради.

Интернет орқали электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда божхона юк декларацияларини тақдим этиш имконияти яратилиб, 2014 йилда экспорт-импорт операциялари юзасидан расмийлаштирилган божхона юк декларацияларининг 402 мингдан ортиғи ёки 98,7%и электрон тарзда тақдим этилди.

Муҳим жиҳатлардан яна бири шундаки, электрон декларациялашнинг жорий этилиши тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилиш, улар томонидан божхона қоидаларининг бузилишининг олдини олиш имконини ҳам бермоқда. Хусусан, ушбу тизим томонидан берилган огоҳлантиришлар натижасида 850 дан ортиқ тадбиркорлик субъектлари томонидан божхона қоидаларининг бузилишининг олди олинган.

Товарларни божхонада электрон шаклда расмийлаштириш натижасида тадбиркорлик субъектларининг маблағлари ва вақти тежалишига эришилмоқда. Масалан, 2013 йилда тадбиркорлар томонидан 1,2 млрд сўмдан ортиқ маблағ божхона юк декларациялари қоғоз шаклидаги бланкалари учун сарфланган бўлса, 2014 йилда электрон декларациялаш натижасида бу йўналишдаги харажатларига барҳам берилди. Нафақат, божхона юк декларациялари, балки у билан бирга топширилиши лозим бўлган турли сертификат, шартнома, юк-кузатув ҳужжатлари каби бир қатор ҳужжатларнинг ҳам электрон шаклда тақдим этилишининг йўлга қўйилиши 2014 йилда тадбиркорлар томонидан 60 тоннага яқин қоғоз тежалишига хизмат қилди.

Товарларни электрон шаклда божхонада расмийлаштириш тартиби. Товарларни электрон шаклда божхона расмийлаштирувидан ўтказишда божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис давлат божхона хизмати органларига товарларни божхона расмийлаштирувида танланган божхона режими бўйича қонунчиликда белгиланган рўйхат асосида зарур бўлган ҳужжатларни электрон шаклда тақдим этади.

Ушбу жараёнлар икки босқичда амалга оширилиб, дастлабки босқичда ваколатли органлар томонидан амалдаги қонунчиликка кўра ва белгиланган муддатда рухсат берувчи ҳужжатлар берилади ва улар ЭДААТга киритилади. Низомда рухсат берувчи ҳужжатлар ҳамда уларни бериш ва киритиш учун ваколатли идоралар рўйхати илова қилинган.

Кейинги босқичда эса тайёрланган божхона юк декларацияси ва унга тегишли бўлган барча ҳужжатларнинг электрон шакллари божхона расмийлаштируви бўйича мутахассиснинг электрон рақамли имзоси билан интернетдаги ЭДААТ орқали божхона органларига юборилади. Агарда, БЮДга тегишли бошқа ҳужжатларнинг электрон шакллари мавжуд бўлмаса, уларнинг сканер қилинган нусхасини тақдим этиш мумкин. Шу ўринда қайд этиш жоизки, электрон декларацияларни сақлаш муддати божхона юк декларациясининг босма шаклини сақлаш муддатига мувофиқ келиши зарур.

Божхона органи ходими томонидан бир иш куни давомида электрон декларация тўғри тўлдирилганлиги кўздан кечирилади ва ҳужжатларнинг Давлат божхона қўмитаси томонидан белгиланган форматларга мослиги текширилади.

Товарларни божхона кўригидан ўтказиш ҳақида қарор қабул қилган божхона ходими уч соат давомида уни ўтказиш вақти ва жойи ҳақидаги маълумотлар, шунингдек, камчиликлар аниқланган ҳолатларда уларни бартараф этиш учун хатоликлар рўйхатини ўз ичига олган электрон хабар юборилади. Электрон декларацияда кўрсатилган маълумотлар божхона кўриги натижаларига мос келганида, расмийлаштириш жараёнлари ўрнатилган тартибда якунига етказилади. Яъни, электрон декларация маълумотлар базасида рўйхат рақами берилиб, қайд қилинади ва шу вақтдан бошлаб у юридик аҳамиятга эга ҳужжатга айланади.

Агарда божхона кўриги натижасида қонунбузарлик ҳолатлари аниқланса, божхона органи қонунчиликда кўзда тутилган тартибда тегишли чораларни кўради.

2.3. Божхона хизматларини кўрсатиш жараёнини амалга оширишда ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш технологиясининг баёни

Хозирги пайтда ахборот технологияларини ҳамма соҳада фойдаланишни йўлга қўйиш, жумладан божхона тизимида ушбу замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш ўзини ижобий натижаларини кўрсатиб келмоқда. Бунга мисол тариқасида яқинда қабул қилинган «Электрон рақамли имзо тўғрисида» ва «Электрон хужжатлар айланиши тўғрисида»ги Қонунлар божхона хизматида ахборот технологияларини ҳар томонлама жорий этишга йўл очиб берди.

Хозирги вақтда Давлат божхона қўмитаси, божхона бўлинмалари орасида электрон декларациялаш, товарнинг электрон божхона паспорти, олдиндан электрон хабардор қилиш каби электрон хужжатлар айланишини жорий этиш устида фаол ишламоқда. Маълумотлар базасини бошқаришнинг кўп фойдаланиладиган тизими қўлланадиган бир қанча янги дастурлар жорий этишга қаратилган.

Бу янгиликларнинг икки қисми яхлит вазифаси божхонада расмийлаштиришни имкон қадар жадаллаштириш билан бир вақтда божхона назорати самарадорлигини оширишдан иборат. Асосий буғин - божхона масканларидир. Айни шу ерда ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари ва давлат манфаатлари тўқнашади, божхона органларининг ходимлари давлат номидан унинг манфаатларини ҳимоя қиладилар, кўпинча айни шу ерда келишмовчиликлар вужудга келади.

Хозир товарни расмийлаштираётган божхона ходими фақат бир манбадан - декларантнинг ўзидан ахборот олади. Божхона юк декларацияси (БЮД) ва бошқа қоғоз хужжатлардаги маълумотларни текшириш, одатда, кўп вақтни олади. Бу эса божхона учун ҳам, ТИФ иштирокчиси учун ҳам мақбул эмас. Янги технологиялар бу ерда нимани ўзгартиради?

Биринчидан, товарлар, транспорт воситалари ва ТИФ иштирокчилари тўғрисидаги ахборот манбалари доираси кенгайди.

Иккинчидан, зарур маълумотларни керак бўлган пайтда - божхонада расмийлаштириш чоғида олиш мумкин бўлади.

Учинчидан, хужжатлар қоғоз тусида эмас, электрон тусда бўлади. Келажакда, божхона декларациясидаги маълумотларни автомат тарзда текшириш назарда тутилади. Келгусида божхонада расмийлаштириш бундай кўринишда бўлади: хужжатлар автоматик равишда қабул қилинади ва текширилади, назоратнинг махсус чораларини талаб қиладиган товарларни аниқлаш учун товарлар автомат тарзда селекция қилинади, сўнгра хатарлар таҳлил қилинади ва қарор қабул қилинади. Шу ўринда декларациялашга алоҳида тўхталиб ўтсак⁷.

Хозирги кунда хатарларни бошқариш тизими билан боғланган, тўғри тузилган электрон декларациялаш тўловлар тўпланишини оширади ҳамда декларантлар ва божхона органларининг ходимлари йўл қўядиган тартиб-қоида бузилишларини камайтиради. Бу албатта божхона хизмати фаолиятини янада самарали амалга оширишда катта аҳамиятга эгадир. Четдан қараганда, электрон декларациялаш натижасида назоратнинг тўлалиги камайгандек кўринади, бироқ ҳақиқий вазият мумкин қадар тўла назорат қилинадиган бўлади. Бу ерда таъкидлаб ўтиш лозимки, электрон декларациялашни жорий этишни вазифаларидан бири ТИФнинг қонунга риоя қилувчи иштирокчилари учун божхонада расмийлаштиришни қисқа ва имкони борича қулай жараёнга айлантиришдир.

Шубҳасиз, амалда ахборот технологияларини кенг қўлланишга янги меъёрий-ҳукукий хужжатлар ёрдам беради. Бу нарса ўша божхона юк декларацияси мисолида аниқ намоён бўлади. У декларантнинг божхона органлари билан муносабатларини белгилабгина қолмай, товарлар қонунийлиги тўғрисида далолат берувчи хужжат бўлиб хизмат қилади.

⁷ customs.uz – ЎзР ДБК ахборот сайти

Назорат қилувчи органлар ягона тизимнинг маълумотлар базасига қараб, унинг ҳақиқийлигига ишонч ҳосил қилишлари мумкин. Шу тариқа, турли давлат тузилмалари ўртасида ахборот айирбошлашни кенгайтириш - бошқарув ва назорат самарадорлигини оширишнинг энг муҳим дастакларидан бири бўлиб қолади.

Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизими (ТСО ЯЭАТ) да бўлгани каби айирбошлаш форматини тартибга солиб, икки томонлама ахборот айирбошлашни қўллаб-қувватлаш мантиқий иш бўлади. Божхона органлари бошқа идоралардан олган ахборот, шу жумладан хатарларни таҳлил қилиш ва бошқариш тизимида ҳам тўпланади, тизимларга ажратилади ва фойдаланилади. ДБК божхона технологияларини автоматлаштириш департаменти бу ахборотни олиш, сақлаш, излаш ва ундан фойдаланишни алгоритмга солиш билан шуғуллана бошлади.

Яқин келажакда электрон декларациялаш технологияси ва таомил қоидаларини пухта ишлаб чиқиш лозим бўлади. Божхона инспектори декларантдан электрон декларацияни олгач, БЮД (божхона юк декларацияси) да келтирилган маълумотларни текширади ва товарни чиқариш ёки божхона назоратининг қўшимча чораларини қўлаш тўғрисида тегишли қарор қабул қилади. Божхона ходимида қўшимча саволлар туғилиши мумкин. Балки декларант электрон декларацияга киритилган ахборотни аниқлаштириши, тузатиш киритишига тўғри келар. Бундай ҳолларда улар реал вақт тартибида электрон хабарларни айирбош қиладилар. Электрон декларациялаш декларантнинг божхона инспектори билан бевосита мулоқот қилиш заруратини бартараф этади. ТИФ иштирокчиси божхона постидан юзлаб чақирим олисда компьютер олдида ўтириб, ахборотни ишлаш тармоғига уланиб, божхона декларациясини тўлдириши, унга электрон раўамли имзо қўйиши, бошқа зарур маълумотларни киритиши ва барча ахборотни ўз хабари сифатида ҳудудий божхона бошқармасига юбориши мумкин. Рақамли имзонинг мавжудлиги ушбу маълумотлар юридик кучга эгалигини билдиради.

Шу ўринда электрон божхона паспорти тўғрисида гапириб ўтиш зарурдир. Ишлаб чиқиладиган дастурнинг асосий унсурларидан бири битимнинг электрон божхона паспортидир. Уни автоматик равишда - чегарада расмийлаштириш таомилининг бошланишида расмийлаштиришади. Бу хужжатга товар тўғрисидаги маълумотлар (коди, вазни, фактура қиймати), БЮД (божхона юк декларация)нинг ва товарни вақтинча сақлаш омборида хисобга олиш хужжатлари нусхаларини киритиш мўлжалланмоқда. Булардан ташқари, унда божхона ходимларининг ҳамма ҳаракатлари қайд этилади. Шу тариқа, чегарани кесиб ўтган пайдан бошлаб, божхонада расмийлаштиришнинг охиригача товар ва транспорт воситасининг тарихи тўла ёзилади. Бу технологияни шартли равишда тўла хужжатли назорат деса бўлади. Бунда эса биз албатта олдиндан хабар қилиш технологиясига эътибор беришимиз лозим. У божхонада расмийлаштиришни тезлатишнинг яна бир имкониятидир. Технология тахминан бундай: товар тўғрисидаги электрон хужжатлар пакети божхона органларига олдиндан юборилади. Товар чегарага етиб келганда божхона инспектори ахборотнинг дастлабки тахлили ва назорат шаклини танлашга вақт сарфламайди. Бундан импортчи ҳам ютади - унинг юки божхона омборида ётмайди, бинобарин уни сақлаш билан боғлиқ чиқимлар ҳам бўлмайди. Бундай технология жараённинг барча иштирокчиларига ўз ҳаракатларини режалаштириш имконини беради. Божхонада расмийлаштиришни етарлича тезкорлик билан амалга ошириш имкони пайдо бўлади. Юкни келтириш устидан назорат автомат дастурининг яратилиши ва унинг ҳозир ДБК, божхона назоратини ташкил этиш бўлинмасида қўлланилиши бунга яққол мисол бўла олади.

Йўловчи декларациясини босмага чиқариш.

Йўловчи декларациясини сайтдан компьютерга сақлаб олиб, уни очамиз. Натижада қуйидаги расмдаги ойна ҳосил бўлади (4-расм).

Йўловчи божхона декларациясини тўлдириш
ва расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги
йўриқномага илова

(қўлд томонини)

-сонли ЙЎЛОВЧИ БОЖХОНА ДЕКЛАРАЦИЯСИ

Мазкур Декларация 16 ёшга тўлган шахс томонидан тўлдирилади.
Тегишли саволлардаги керакли каттакчаларга "X" белгисини чизиш йўли билан жавоб берилади.
Мазкур Декларацияни Ўзбекистон Республикасига кириш ёки ундан чиқишнинг бутун даври давомида саклаб туриш
тавсия этилади.

1. Шахс тўғрисида маълумотлар:

Фамилияси _____ Исми _____
Туғилган санаси: _____ жинси: эркак ☐ аёл ☐
кун ой йил
Паспорт серияси ва рақами _____ Доимий яшаш мамлақати _____ Фуқаролиги _____
Мен билан бирга 16 ёшга тўлмаган шахслар ҳаракатланмоқда: Ҳа ☐ Йўқ ☐ Сони _____

2. Ҳаракат тури: Кириш ☐ Чиқиш ☐
Қайси мамлакатдан келди (жўнаб кетган мамлақати кўрсатилади) _____ Қайси мамлакатга борипти (бориш мамлақати кўрсатилади) _____

3. Сафар мақсади: Хизмат ☐ Ўқиш ☐ Иш ☐ Саёҳат ☐
Қариндошларни йўклаш ☐ Лаволаниш ☐ Доимий яшаш жойи ☐ Тижорат ☐

4-расм. Йўловчи декларациясини кўриниши

Унинг майдонларини тўлдирамиз (5-расм).

Йўловчи божхона декларациясини тўлдириш
ва расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги
йўриқномага илова

(қўлд томонини)

-сонли ЙЎЛОВЧИ БОЖХОНА ДЕКЛАРАЦИЯСИ

Мазкур Декларация 16 ёшга тўлган шахс томонидан тўлдирилади.
Тегишли саволлардаги керакли каттакчаларга "X" белгисини чизиш йўли билан жавоб берилади.
Мазкур Декларацияни Ўзбекистон Республикасига кириш ёки ундан чиқишнинг бутун даври давомида саклаб туриш
тавсия этилади.

1. Шахс тўғрисида маълумотлар:


Эшматов _____ Тошмат _____
Фамилияси _____ Исми _____
Туғилган санаси: 05 05 1991 жинси: эркак ☒ аёл ☐
кун ой йил
Паспорт серияси ва рақами _____ Доимий яшаш мамлақати _____ Фуқаролиги _____
Мен билан бирга 16 ёшга тўлмаган шахслар ҳаракатланмоқда: Ҳа ☐ Йўқ ☐ Сони _____

2. Ҳаракат тури: Кириш ☐ Чиқиш ☐
Қайси мамлакатдан келди (жўнаб кетган мамлақати кўрсатилади) _____ Қайси мамлакатга борипти (бориш мамлақати кўрсатилади) _____

3. Сафар мақсади: Хизмат ☐ Ўқиш ☐ Иш ☐ Саёҳат ☐
Қариндошларни йўклаш ☐ Лаволаниш ☐ Доимий яшаш жойи ☐ Тижорат ☐


5-расм. Йўловчи декларациясини майдонларини тўлдириш

Клавиатурадан CTRL + P клавишаларини биргаликда босганда,
декларацияни босмага чиқариш ойнаси ҳосил бўлади (6-расм).




6-расм. Декларацияни босмага чиқариш ойнаси

Биз декларацияни А5 форматда икки нусхада тўлдирилиши керак. Оддий А4 форматли қоғозга 2та А5 форматни жойлаштириш мумкин. Бунинг учун босмага чиқариш ойнасидан Свойства тугмасини босиб принтер хусусиятлари ойнасига ўтамиз. У одатда қуйидаги шаклда бўлади (7-расм).




7-расм. Принтер хусусиятлари ойнаси

Принтер хусусиятларидан қоғозга чиқариш формати параметрини А4 форматига, қоғоз варағига чиқариш услуби параметрини 2 Page per Sheet (Хар бир вараққа 2 та варақ) га ўзгартирамиз (8-расм).




8-расм. Қоғоз варағига чиқариш услуги параметрини танлаш

ОК тугмасини босамиз (9-расм).



9-расм. Барча параметрлар танланган ойна кўриниши

Печать тугмасини босамиз. Декларация босмага чиққанда варақнинг пастки томонида бўлади. Шу қоғозни олиб айлантормасдан яна босмага кўямиз ва CTRL + P клавишаларини биргаликда босамиз (10-рasm).



10-рasm. Хужжатни печатлашни давом этириш ойнаси кўриниши

Печать тугмасини босамиз.

Энди варақни узун қисмининг ўртасидан иккига буклаймиз ва қайчи билан (ёки бошқа усулда) тенг иккига бўламиз. Шунда декларациянинг 2та А5 форматдаги намуналари бўлади. Уларни ҳар бирига имзо чекиб, божхона постига олиб бориб бир нусхасини божхона хизмати ходимига берамиз, иккинчи нусхасини эса ўзимизда сақлаймиз.

3.2. Божхона хизматларини кўрсатиш жараёнини келажакдаги истиқболлари

Замонавий жамиятда тобора ўсиб бораётган ахборот оқими, ахборот технологияларининг турли-туманлиги, компьютерда ечиладиган масалаларнинг мураккаблашуви ушбу технологиялардан фойдаланувчининг олдига бир катор вазифаларни қўйди. Керакли вариантларни танлаш ва қарор қабул қилиш ишларини инсондан ШКга ўтказиш масаласи юзага келади. Бу вазифани ечиш йўлларида бири – бу эксперт тизимларини яратиш ва фойдаланиш саналади. Эксперт ўзидан келиб чиқиб шароитни таҳлил этади ва нисбатан фойдали ахборотни аниқлаб олади, чорасиз йўللardan воз кечган ҳолда қарор қабул қилишнинг энг мақбул йўлларини вужудга келтиради.

Эксперт тизимида маълум бир предмет соҳасини ифодалайди билимлар базасидан фойдаланилади.

Эксперт тизими – бу айрим мавзу соҳаларида билимларни тўплаш ва қўллаш, уюштириш усуллари ҳамда воситалари мажмуидир. Эксперт тизими мутахассисларнинг юқори сифатли тажрибасига суянган ҳолда қарорни танлаш чоғида муқобил вариантлар кўплиги учун янада юқори самарага эришади. Стратегияни тузиш пайтида янги омилларни баҳолаб, уларнинг таъсирини таҳлил этади.

Эксперт тизимлари сунъий интеллектдан фойдаланишга асосланган.

Сунъий интеллект ақлий ҳатти-ҳаракатларга нисбатан компьютер тизимининг қобилияти тушунилади. Кўпинча бунда инсон фикрлаши билан боғлиқ қобилият англанади.

Эксперт тизимларини ахборот тизимлари синфи сифатида кўриб чиқиш мумкин. У фойдаланувчининг розилигидан қатъий назар маълумотларни таҳлил ва таҳрир эта олувчи, қарорни таҳлил этиб қабул қиладиган, таҳлилий-таснифий вазифаларни бажара оладиган маълумотлар ва билимлар базасига эга. Жумладан, эксперт тизимлари келадиган

ахборотларни гуруҳларга бўлиб ташлай олади, хулоса чиқаради, идентификациялайди, ташхис қўяди, башоратлашга ўргатади, шарҳлаб беради ва ҳоказо [19,30].


Эксперт тизимининг бошқа ахборот тизимларидан афзалликлари қуйидагича:

- яқин даврларгача ШКда ечиш қийин ёки умуман ечиб бўлмайдиган деб саналувчи мураккаб масалаларнинг янги синфини ечиш, оптималлаштириш ва (ёки) баҳосини олиш имконияти;
- дастурчи бўлмаган фойдаланувчига(энг охиридаги фойдаланувчилар) ўз тилида суҳбат юритиш ва компьютердан самарали фойдаланиш учун ахборотни визуализациялаш усуллари қўллаш имкониятини таъминлаш;
- янада ишончли ва малакали хулоса чиқариш ёки қарор қабул қилиш учун эксперт тизимини мустақил ўрганиш, билимлардан фойдаланиш қоидалари, маълумотлар, билимларнинг тўпланиши;
- фойдаланувчи ахборот йўқлиги туфайли ёки ахборотнинг ҳаддан зиёд ранг-баранглиги, ёки хатто компьютер ёрдамида ҳам одатдаги қарорни қабул қилишнинг чўзилиб кетилиши туфайли еча олмайдиган саволлар ёки муаммоларни ҳал этиш;
- такомиллашган асбоблар ва ушбу тизимдаги фойдаланувчи мутахассиснинг шахсий тажрибасидан фойдаланиш ҳисобига яқка тартибдаги ихтисослашган эксперт тизимларини яратиш имконияти;
- эксперт тизимининг асоси қарор қабул қилиш жараёнини шакллантириш мақсадида тузилган билимлар мажмуи (билимлар базаси) саналади.

Билимлар базаси - бу айрим предмет соҳалари мураккаб вазифалар ечимини топиш учун таҳлил ва хулосаларни юзага келтирувчи модел, қоида, омиллар (маълумотлар) мажмуидир (11-расм).

Ахборот таъминотининг алоҳида яхлит структураси кўринишида яққол кўзга ташланган ва ташкил этилган предмет соҳаси ҳақидаги билим бошқа билим турларидан, масалан, умумий билимдан ажралиб туради. Билимлар базаси асосий эксперт тизими саналади. Билимлар фикрлаш ва

вазифаларни ҳал этиш усулига имкон берувчи аниқ кўринишда ифодаланади ва қарор қабул қилишни соддалаштиришга кўмаклашади. Эксперт тизимининг асослигини таъминловчи билимлар базаси иқтисодий объектнинг бўлинмаларидаги мутахассислар билимини, тажрибасини ўзида мужассамлаштиради ва институционал билимларни (ихтисослашганлар мажмуини, янгиланаётган стратегиялар, қарорлар услублари) ифодалайди.



11-расм. Билим базасининг асосий хусусиятлари

Билим ва қоидаларни турли аспектларда кўриб чиқиш мумкин:


- чуқур ва юзаки;
- сифат ва миқдорий;
- тахминий(ноаниқ) ва аниқ;
- муайян ва умумий;
- тавсифий ва кўрсатма (йўл-йўриқ) берувчи.

Фойдаланувчилар билим базасини самарали бошқарув қарорларини олиш учун қўллашлари мумкин.

Маълумотлар базаларининг фаолияти ва структураси 12-расмда маълумотлар базаси структураси ва унинг фаолияти тасвирланган.

Эксперт – бу муайян предмет соҳасида самарали ечим топа олувчи мутахассисдир.

Билимларни ўзлаштириш блоки маълумотлар базасининг тўпланишини, билим ва маълумотлар модификацияси босқичини акс эттиради. Билимлар базасининг фикрлаш даражасидаги юқори сифатли тажрибадан фойдаланиш имкониятини акс эттиради.



12-расм. Маълумотлар базаларидан фойдаланиш технологияси

Мантикий хулосалар блоки қоидаларни фактлар билан қиёслаган ҳолда хулосалар мантиқини юзага келтиради. Унчалик ишончли бўлмаган маълумотлар билан ишлаш чоғида ноаниқ мантиқ, заиф ишонч юзага келади.

Тушунтириш (изоҳлаш) блоки фойдаланувчининг технологияда билимлар базасидан фойдаланиш кетма-кетлигини акс эттиради ва «нима учун?» деган саволга жавоб берувчи хулосага келади.

Ҳозирги вақтда билимлар базасининг жорий этилиши касбий билимларнинг тўпланиш суръати билан белгиланади.

Касбий фаолиятнинг шакллантирувчи, яъни ШК базасида автоматлаштирадиган қисми - бу инсон томонидан тўпланган билимларнинг унча катта бўлмаган қисмидир. Тўпланган билимларнинг каттагина қатламини якка тартибда йиғиладиган билимлар ташкил этади.

Билимларни структуралаштириш ёки расмийлаштириш билимларни тақдим этишнинг турли усулларига асосланган. Замонавий ахборот тизимларида энг кўп фактлар ва қоидалар усулидан фойдаланилади. Улар айрим предмет соҳаларидаги жараёнларни баён этишнинг табиий усулини баён этади.


Қоидалар одатда тавсия, кўрсатма, стратегияларни тақдим этишнинг формал (расмийчилик) усулини таъминлайди. Улар агар предмет билимлари бирор соҳадаги масалани ечиш бўйича тўпланган амалий тасаввурлардан пайдо бўлгандагина тўғри келади. Қоидалар кўпинча «Агар бу...» хилидаги тасдиқ кўринишда ифодаланади. Билимлар базасида предмет соҳасини баён этиш маълумотларни ташкил этиш ва тақдим этиш, вазифаларни шакллантириш, қайта шакллантириш ва ечиш усуллари ишлаб чиқишни назарда тутди. Предмет соҳаси тушунчаси (объектлари) рамзлар ёрдамида тасаввур қилинади. Тушунчаларни манипуляция қилиш учун муносабатлар аниқланади, турли стратегиялар (мантикий ёки тажриба натижасида олинган) қўлланилади. Билимларни тақдим этиш, уларни таркиблаштириш тушунчаларни, мураккаб, оддий бўлмаган вазифаларни назарда тутди. Шунинг учун қоидалар ҳам билимлар базасида мураккаб ёки кўп миқдорда ва ҳажмда бўлади.

Эксперт тизимлари шундай ишлаб чиқиладики, бунда ечим танлаш мантиқини асослаш ва ўргатиш ҳисобга олинади. Кўпгина эксперт тизимларида тушунтириш (изоҳлаш) механизми бўлади. Мазкур механизм қандай қилиб тизим ушбу қарорга келганини тушунтириш учун зарур бўлган билимлардан фойдаланади. Бунда эксперт тизимини қўллаш, ундан фойдаланиш ва ҳаракат чегарасини аниқлаш жуда муҳимдир.

Ахборот технологиясининг эксперт тизимида фойдаланиладиган асосий компонентлари (таркибий қисмлари) қуйидагилар: фойдаланувчининг интерфейси, билимлар базаси, интерпретатор, тизимни яратиш модули (13-расм).

Билимлар базалари. Улар муаммоли соҳаларни, шунингдек, фактлар оралиғидаги мантикий боғлиқни баён этади. Базада марказий ўринни қоидалар эгаллаган. Қоида муайян бир шароитда нима қилиш кераклигини белгилайди ва у икки қисмдан иборат бўлади.

Биринчиси, бажарилиши мумкин бўлган ёки бўлмаган шарт-шароит. Иккинчиси, агар шароит бажариладиган бўлса, амалга оширилиш керак бўлган хатти-ҳаракат.



13-расм. Эксперт тизимларининг ахборот технологиялари асосий компонентлари

Эксперт тизимида фойдаланиладиган барча қоидалар тизимини ташкил этади. Бу тизим оддий тизимга қиёслаганда ҳам бир неча минглаб қоидаларни ўз ичига олади.

Барча билим турлари, предмет соҳаси хусусияти ва лойиҳанинг (билим бўйича мутахассиснинг) малакасига боғлиқ ҳолда у ёки бу даражада ўхшашлик билан бир ёки бир неча семантик моделлар ёрдамида ифодаланиши мумкин.

Интерпретатор. Бу эксперт тизимининг бир қисми бўлиб, базадаги билимларни маълум бир тартибда қайта ишлайди. Интерпретаторнинг иш технологияси қоидалар мажмуининг кетма-кетлигини кўриб чиқишга олиб боради. Агар қоидадаги шартларга риоя этилса, маълум хатти-ҳаракатлар

бажарилса фойдаланувчига ҳам унинг муаммоларини ечиш вариантлари тақдим этилади.

Бундан ташқари кўпгина эксперт тизимларида қуйидаги қўшимча блоklar киритилади: маълумотлар базалари, ҳисоб-китоб блоки, маълумотларни киритиш ва тузатиш блоки.

Ҳисоб-китоб блоки бошқарув қарорларини қабул қилиш билан боғлиқ ҳолатларда зарур бўлади. Аини пайтда режа, жисмоний, ҳисоб-китоб, ҳисобот ва бошқа доимий ҳамда тезкор кўрсаткичларни ўз ичига олган маълумотлар базалари муҳим рол ўйнайди. Маълумотларни киритиш ва тузатиш блокидан маълумотлар базасидаги жорий ўзгаришларни тезкор ва ўз вақтида акс эттириш учун фойдаланилади.

Тизимни яратиш модули. У қоидалар тўпламини яратиш учун хизмат қилади.

Тизимни яратиш модулининг асоси бўлган иккита ёндошув мавжуд: дастурлаштиришнинг алгоритмик тилидан фойдаланиш ва эксперт тизими қобиғидан фойдаланиш.

Билимлар базасини тасвур этиш учун махсус лисп ва пролог тиллари ишлаб чиқилган, гарчи бундан бошқа ҳар қандай маълум алгоритмик тилдан фойдаланиш мумкин бўлса ҳам.

Эксперт тизими қобиғи. Тегишли билимлар базасини яратиш орқали маълум бир муаммони ҳал этишга мослашган тайёр дастурий муҳитни ифодалайди. Кўпгина ҳолларда қобикдан фойдаланиш дастурлашдан кўра тезкор ва осонроқ тарзда эксперт тизимини яратиш имконини беради.

Эксперт тизимининг афзалликларини тажрибали мутахассисларга қиёслаб шундай баён этиш мумкин:

- эришилган пухта билим, асос йўқолмайди, у ҳужжатлаштириши, узатилиши, ижро этилиши ва кўпайиши мумкин;
- нисбатан мустаҳкам натижаларга эришилади, инсондаги ҳиссий ва шу каби бошқа ишончсиз омиллар бўлмайди;

- тизимнинг ишлаб чиқиш қиймати юқори, лекин эксплуатация қиймати паст. Умуман қиёслаганда эса у юқори малакали мутахассислардан кўра арзонроқ тушади.

Янги қоида ва концепцияларга, ижодкорлик ва ихтирочиликка унчалик мослашмаганлиги ҳозирги эксперт тизимининг камчилигидир. Кўп ҳолларда бу тизим юқори малакали мутахассислар ўрнини боса олади, аммо баъзан паст малакали экспертга муҳтожли жойлар ҳам бўлиб туради. Эксперт тизими энг охиридаги фойдланувчининг касб имкониятларини кенгайтириш ва кўпайтириш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Очиғи, бу тизим муайян бир предмет соҳасида мутахассис-экспертлар даражасидаги билимни намойиш этмоғи керак. Тизим яхши ечимларни керакли даражада топа олмайди, лекин предметни кенг англайди.

Режалаштирувчи эксперт тизимлари маълум бир мақсадларга эришиш учун зарур бўлган дастурларни ишлаб чиқишга мўлжалланган.

Башоратловчи эксперт тизимлари ўтмиш ва бугуннинг воқеаларига асосланиб келажак сценарийсини олдиндан айтиб бермоғи, яъни берилган вазиятдан ишончли натижалар чиқариши керак. Бунинг учун башоратловчи эксперт тизимларида динамик параметрик моделлар қўлланилади.

Ташхисловчи эксперт тизимлари кузатиладиган ҳодисаларнинг нормал эмаслиги сабабларини топиш хусусиятига эга. Маълумотлар тўплами таҳлил учун асос бўлиб хизмат қилади. Улар ёрдамида эталон ҳатти-ҳаракатдан четланиш аниқланади ва ташҳис қўйилади.

Ўргатувчи эксперт тизимлари фойдаланувчиларга берилган соҳада ташҳис қўйиш ва таҳлил этиш имкониятини бериши лозим. Бундай тизимдан билим ва ҳатти-ҳаракат тўғрисидаги фаразни яратиш, тегишли таълим услубини ва ҳаракат усуллари аниқлаш талаб этилади.

Эксперт тизимини яратишда камида учта муаммо юзага келади:

- хотирага киритиладиган ахборотнинг етарли даражада тўлиқ бўлишини таъминлаш. Бу энг асосий билимларини ажратиш ва маълумотлар

тузилмасида уларнинг ўзаро алоқасини ўрнатиш, шунингдек, кодлаштиришнинг бундай тизимини яратиш ва фойдаланишни талаб этади;

- эксперт тизими фаолияти сифатининг самарали баҳосини олиш ва тегишли мезонларни ишлаб чиқиш. Қийинчилик шундаки, мутахассислар билими – бу шунчаки маълумот ва фактлар йиғиндиси эмас. Айрим элементлар муносабатини тасаввур этиш учун алоқалар қонуниятларини ҳисобга олишга формал уриниш тизимни ўта даражада «кескин» қилиб қўяди ва у янги элементларни қйиш учун «ёпиқ» бўлиб қолади;

- ечиладиган масала тузилмасининг эҳтимоллик хусусияти ва билимларнинг уйғунлашуви туфайли ишончсиз натижалар олиш мумкинлиги.

Эксперт тизимини яратиш қуйидаги талаблар мавжуд ҳолатда мақсадга мувофиқдир:

- тизимга ўз билимини беришни истаган экспертлар мавжудлиги;
- экспертлар вазифани ҳал этишнинг ўз услубларини баён этиши мумкин бўлган муаммоли соҳанинг мавжудлиги;
- кўпчилик экспертларнинг мазкур муаммоли соҳада ечимлар ўхшашлигининг бўлиши;
- муаммоли соҳадаги вазифанинг аҳамияти, яъни улар ёки мураккаб бўлишлари, ёки мутахассис бўлмаган фойдаланувчи ҳал эта олмаслиги ёки ҳал этиш учун анча вақт талаб қилиши;
- масалани ечиш учун катта ҳажмдаги маълумот ва билимнинг бўлиши;
- предмет соҳасида ахборотнинг тўлиқ бўлмаслиги ва ўзгарувчанлиги туфайли эвристик услубларни қўллаш.

Юқорида қайд этилган учта муаммони ҳал этиш ва санаб ўтилган талабларни бажариш эксперт тизимини қўллашнинг зарур ҳамда етарли шарти саналади.

Эксперт тизимини яратиш босқичлари. Эксперт тизимини яратишнинг нисбатан муҳим босқичларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- концептуализация;
- реализация;

- тестдан ўтказиш;
- жорий этиш;
- кузатиб бориш;
- модернизациялаш.

Концептуализация босқичида эксперт тизимини ишлаб чиқиш бўйича мутахассис эксперт билан ҳамкорликда танланган предмет соҳасидаги муаммони ечишнинг услубларини баён этиш учун қандай тушунча, муносабат ва процедуралар зарурлигини ҳал этади. Босқичдаги асосий вазифа масалани ечиш жараёнида юзага келувчи вазифа стратегияси ва чекловларни танлашдан иборат. Концептуализация муаммони тўлиқ таҳлил этишни талаб этади.

Идентификация босқичида вазифа тури, тавсифи, ўлчами, ишланма жараёнидаги иштирокчилар таркиби аниқланади. Моделнинг яроқлилиги кўриб чиқилади, талаб этиладиган вақт-машина ресурслари баҳоланади, эксперт тизимини яратиш мақсади белгиланади.

Формаллаштириш босқичида асосий тушунчалар ва муносабатлар билимларни ифодалашнинг ўзига хос расмий тилига ўтказилади. Бу ерда кўриб чиқиладиган вазифа учун моделлар ёки маълумотларни тақдим этишнинг ўхшаш усуллари танланади.

Амалга ошириш босқичида юклатилган вазифаларни бажаришга қодир бўлган эксперт тизимининг жисмоний «қобиғи», юзаси яратилади.

Хулоса ва таклифлар

Хозирги ахборотлар даврининг ўзига хос хусусиятларидан бири кооперативлар, кичик корхоналар сонини кўпайиб бориши ва ҳар бир ишчи хизматини бошқариш ва фойдада иштирокининг ортиб бориши билан характерланади.

Бу даврда меҳнат билан машғул ходимларнинг сони ва улуши ортиб боради. Масалан, АҚШ қишлоқ хўжалигида 40-йилларда “Яшиқ” революция номини олган революция дехқонлар синфини йўқ қилиб, улар ўрнига қишлоқ хўжалик тадбиркорлари синфини келтириб чиқаради. Бу фермерлар хўжалиги туфайли шаҳар ва қишлоқ орасида фарқ деярли йўқ қилинди.

Мамлакатда иқтисодиётнинг ривожланиши, бошқариш тизимини мукаммаллаштириш, ахборотларсиз амалга ошириб бўлмайди. Ахборотлар миллий иқтисодиётнинг барча тармоқлари, соҳалари, бўлимлари ва ушбу корхона билан ўхшаш корхоналари ва ташкилотлар ўртасида узлуксиз ахборот алмашишдан иборат. Фан-техника тараққиёти ўсиши билан бирга чиқарилаётган товарларнинг номеклатураси ҳам ортади, тез янгиланади, ишлаб чиқаришнинг техника базаси замонавий ва мураккаб машиналар тизими билан бойийди, технологик жараёнлар интенсивлашади ва мураккаблашади, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш кенгаяди ва хоказо. Бозор иқтисодиётининг энг асосий талабларидан бири ахборотларнинг тўлақонли бўлишидир. Умуман олганда ҳозирги кун саноат, индустрия асрини ахборотлар билан алмашганлиги билан характерланади. Индустриал аср учун хос бўлган хусусиятлар: моддий неъматлар, саноат ишлаб чиқаришнинг устун даража ривожланиши саноат ишчилари хиссасининг ошиб бориши билан характерланса, ишлаб чиқариш эса ялпи, йирик туркумли ва катта сифимдаги бозорга мўлжалланган бўлса, ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошиши жонсиз ва жонли меҳнатни, хом ашё, моддий ресурсларни тежаш ҳисобига, корхонани кенгайтириш ва махсулот таннархини пасайтириш ҳисобига амалга ошириладиган бўлса,

ахборотлар даврига келиб иқтисодиётда хизмат кўрсатиш тармоқларининг улуши ортиб боради ва айниқса ахборотлар хизмати кўрсатиш билан боғлиқ бўлган воситачилик хизмати ўсади. Бу даврда ишлаб чиқариш нихоят даражада мослашувчан, якка, айрим буюртмаларни бошқаришга кичик эҳтиёжларни қондиришга мўлжалланган, қандайдир айрим харидорнинг ҳар қандай хоҳиш ва истагини қондиришга қаратилгандир.

Ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсиш муаммоси ҳам ўзгача бўлиб ўтмиш меҳнатни тежашга, сотиш ва бошқариш харажатларини камайтиришга кўпроқ боғлиқдир. Буларнинг барчаси ишлаб чиқариш харажатлари тартибидаги ўзгаришлар билан боғлиқ бўлиб, унинг таркибидаги, масалан, АҚШ, Япониянинг аксарият саноат тармоқларида иш ҳақи харажатлари 5 фоиздан ошмайди.

Жаҳон иқтисодиётидаги молиявий-иқтисодий инқирознинг ҳозирги даврга келиб чуқур тус олиши, дунёдаги барча давлатларнинг иқтисодий ривожланишига жуда катта салбий таъсир кўрсатмоқда. Чунки ҳозирги иқтисодиётнинг глобаллашув шароитида дунёдаги барча давлатларнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланиши, бу давлатларнинг иқтисодиётининг бугунги ҳолатига бевосита боғлиқдир. Бу ҳолатдан чиқиб кетиш ва унинг салбий оқибатларини тугатиш борасида дунё миқёсида самарали чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш энг муҳим долзарб масалага айланди.

Иқтисодий ва молиявий инқироз бевосита ривожланган ва ривожланаётган давлатлар иқтисодий сиёсатида ҳам глобал ўзгартиришлар киритилишини талаб қилади. Ушбу ҳолат иқтисодиётдаги истеъмол ва жамғариш ўртасидаги нисбатнинг оптимал миқдорини топишни тақозо этади. Инвестиция жараёнларининг ўзаги яъни, молиявий манбаи ҳисобланган жамғарма миқдорининг ўсиши, иқтисодиётда янги ишлаб чиқаришларни ташкил қилиш, жорий даврда ишлаб турганларини модернизациясини таъминлаш ва бунинг асосида янги иш ўринлари яратиш энг муҳим ижтимоий масала, ишсизликни муаммосини олдини олишга замин яратади.

Шу ўринда такидлаб ўтиш мумкинки ҳукуматимиз томонидан 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган, инқирозга қарши дастур бу салбий самарасини беради. Ушбу дастур асосида 2009 йилда олиб борилган ишлар натижасида мамлакатимиз молия, банк-кредит тизимида узилишлар сезилмади балки, бу тизимларини барқарор ишларини таъминлади. Банклар томонидан иқтисодиётнинг реал секторларининг кредитлаш ҳамда, банклар кредит портфелининг унинг катта қисмини ташкил қилиши натижасида, бу секторга йўналтирилган ички маблағлар ҳажми 25 баробардан зиёдрокқа ошди. Республикамиздаги барча банкларнинг инвестицияларни молиялаштириш учун йўналтирган маблағлари ҳажми, уларнинг умумий кредит портфелининг 70 фоизини ташкил қилиши, банкларнинг инқирозга қарши олиб бораётган изчил кредит сиёсатининг натижасидир.

Мамлакатимизда бугунги кунга келиб қулай инвестиция муҳити яратилган десак муболоға бўлмайди. Жумладан, 2009 йилда иқтисодиётни ривожлантиришга барча молиявий манбалардан 8,2 миллиард АҚШ доллари миқдорида инвестициялар жалб қилинган. Агар бу кўрсаткични 2008 йил билан таққосласак 24,8 фоизга ўсганлигини ва бундан жалб қилинган хорижий инвестицияларнинг 68,0 фоизни ташкил қилиш қулай инвестиция жараёнларининг яратилганлигидан далолат беради. Бунинг натижасида тўғридан-тўғри жалб қилинган инвестицияларнинг ҳажмини ўсиши 2009 йилда 1,8 баробарга ўсган.

Маълумки, инқироз натижасида молиявий муаммоларни ҳал қилишнинг қийинлашуви, мамлакатларнинг экспорт ҳажмининг қисқариши ўз навбатида кўпгина корхоналар фаолиятининг қисқариши қолаверса уларнинг банкротга учрашига олиб келади. Натижада иш жойларининг қисқариш, иш жойларида банд бўлган ходимларнинг ишдан кетиши, уларнинг ишсизлик сафига қўшилиши, ишсизлар сонининг ошишига олиб келади ва ҳар қандай ривожланган мамлакатни сиёсий жиҳатдан жар ёқасига олиб келади. Иш жойларидан маҳрум бўлган ишчилар, оиласини боқиш учун зарур бўлган маблағдан ҳам ажралади. Инқироз даврида эса давлат

томонидан уларнинг ижтимоий ҳимоя қилишнинг қийинлашувига олиб келади.

Республикамизда олиб борилаётган тўғри инвестиция сиёсати ўз самарасини бермоқда. Мамлакат инвестиция дастурининг ишлаб чиқиши, унда кўпроқ ички манбалар ҳисобидан молиялаштиришни йўлга қўйиши, йирик ишлаб чиқарилиш объектлари билан бир қаторда кичик бизнес субъектларига ҳам аҳамият берилиши муҳим аҳамият касб этади. Ушбу инвестиция дастурларини ишлаб чиқишда янги объектларни ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш нуқтаи-назаридан аҳолини бандлиги ҳисобга олган ҳолда йўналтирилишини алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин.

Мен битирув малакавий ишим натижаларидан келиб чиққан ҳолда, ўзимнинг қуйидаги таклифларимни киритмоқчиман:

1. Божхона хизматларини кўрсатишнинг барча босқичларида ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш керак.
2. Божхона хизматларини кўрсатишда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш жараёнида доимий равишда ахборот хавфсизлигига эътибор бериш керак, чунки бу жараёнда молиявий маблағлар билан амаллар бажарилади.
3. Божхона хизматларини кўрсатишда Электрон ҳукумат тизимидан ҳам самарали фойдаланиш керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент Фармонлари ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари

1. Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида» Қонуни. // «Халқ сўзи», 2004 й., 11-феврал.
1. Ўзбекистон Республикасининг «Электрон тижорат тўғрисида» Қонуни. // «Халқ сўзи», 2004 й., 21-май.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» тўғрисида Қонуни. Олий таълим. Меъёрий ҳужжатлари тўплами: Муаллифлар жамоаси. – Т.: «Шарқ», 2001. – 672 б.
3. «Ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. // «Халқ сўзи», 2005 й., 3-июнь.
4. «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. // «Халқ сўзи», 2002 й., 6-июнь.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 9-февралдаги ПҚ-2487-сонли “Соғлом она ва бола йили” Давлат Дастури тўғрисида” ги Қарори
6. “Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 мартдаги 1730-сонли Қарори.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари.

7. И. А. Каримов. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. // 2018 йил 18 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

2015 йилда республикаимиз ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилги иқтисодий дастурнинг асосий устувор вазифаларига бағишланган мажлисидаги маърузаси. “Халқ сўзи”, 2016 йил, 18 январь.

8. И.А. Каримов. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга оид хизмат қилади.//Президент И.А. Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. “Халқ сўзи”, 2011 йил, 28 январь

9. И.А. Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т.: “Ўзбекистон”, 2009 йил, 54 бет.

11. И.А. Каримов. Мамлакатни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. // “Халқ сўзи”, 2009 йил, 14 февраль.

12. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент, «Маънавият», 2008

13. Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг мақсадидир.// “Халқ сўзи”, 2008 й., 9 февраль.

14. «Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим». // «Халқ сўзи», 2006 й., 11-февраль.

15. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир.—Т.: Ўзбекистон, 2005.

III. Соҳага оид меъёрий ҳужжатлар

16. Олий таълим. Меъёрий ҳужжатлар тўплами: /С.С.Ғуломов таҳрири остида; Тузувчилар: Б.Х.Рахимов, Ш.Д.Жонбоев ва бошқ.—Т.: «Шарқ», 2001.— 672 б.

17. Положение о порядке создания и использования электронных баз данных в государственных организациях республики. Утверждено Государственным комитетом Республики Узбекистан по науке и технике, от 29.10.1995.

18. Положение о порядке и правилах создания, внедрения и эксплуатации локальных, ведомственных, региональных и других информационно-вычислительных сетей на территории республики. Утверждено Государственным комитетом Республики Узбекистан по науке и технике, от 30.01.1995.

19. Ўзбекистон Республикаси давлат архивларида ҳужжатлар билан ишлашнинг асосий қоидалари. Тошкент, 2008, 200 бет

20. Ўзбекистон Республикаси идоравий архивларида ҳужжатлар билан ишлаш бўйича услубий тавсиялар. Тошкент, 2008, 117 бет

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 5 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида архив ишини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида” ги 101-сон Қарори

IV. Асосий адабиётлар

22. Информатика. Олий ўқув юртлири талабалари учун дарслик //С.С.Ғуломовнинг умумий таҳрири остида. – Т.: ТДИУ, 2007. – 389 б.

23. А.В.Могилев. Информатика: Учебник. – М.: Изд-во “Академия”, 2003. – 816 с.

24. М.М. Арипов, Ф.А. Кабилжанова, З.Х. Юлдашев Информационные технологии. Т., 2004, 224 б.

25. С.С. Ғуломов, А.Т. Шермухамедов, Б.А. Бегалов. Иқтисодий информатика: Дарслик. - Т.: Ўзбекистон, 1999. - 528 б.

26. Қосимов С.С. Ахборот технологиялари. //Дарслик. Т.: «Алоқачи» 2007, 370 б.

27. Арсеньев Юрий Николаевич. Информационные системы и технологии. Экономика. Управление. Бизнес: учеб. пособие /Ю.Н. Арсеньев, СИ. Шелобаев, Т.Ю. Давыдова. — М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2006. — 447 с.

28. Балдин К.В., Уткин В.Б. Информационные системы в экономике: Учебник. 5 – е изд. – М.: «Дашков – К^о», 2007. - 395 с.

29. Карлберг К. Бизнес-анализ с помощью Microsoft Excel, 2-е исправленное издание. : Пер. с англ. — М. : Издательский дом "Вильямс", 2008. — 464 с.

30. Экономическая информатика: Введение в экономической анализ информационных систем: Учебник. – М.: ИНФРА-М, 2005. – 958 с.

31. Абдуллаева Ш.З., Қуллиев И.Я. “Банк иши” фанидан чизма услубий қўлланма. Тошкент, “IQTISOD-MOLIYA”, 2007

V. Қўшимча адабиётлар

32. Аюпов Л.Ф., Бегалов Б.А., Эрматов Ш.Т., Ибрагимова Л.Т., Шоахмедова Н.Х. Шахсий компьютерлар ва улардан самарали фойдаланиш асослари. Ўқув қўлланма // Т.: «ALOQA PRINT», 2008, 480 б.

33.Б.А. Бегалов, С.А. Новосардова. Образовательная технология по дисциплине «Информационные технологии и системы». Из серии «Технология обучения в экономическом образовании». – Т.: ТГЭУ, 2006. -128 с.

34.Миллий иқтисодда ахборот тизимлари ва технологиялари. Ўқув қўлланма. /С.С. Ғуломовнинг умумий таҳрири остида. – Т.: Шарқ, 2004. – 320 б.

VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

35. Мониторинг развития информационно-коммуникационных технологий в Узбекистане. 2003 – 2005 гг. Ташкент. 70 с.

36. Деловая среда в Узбекистане глазами представителей малого бизнеса. Ташкент. 2002-2005 гг. 170 с.

37. Инвестиции Республики Узбекистан 2011. Статистический сборник. – Т,: Госкомитет Республики Узбекистан по статистике. 2011

38. Промышленность Республики Узбекистан 2011. Статистический сборник. – Т,: Госкомитет Республики Узбекистан по статистике. 2011

VII. Интернет сайтлари

39.www.search.re.uz - Ўзбекистоннинг ахборотларни излаб топиш тизими.

40.www.unitech.uz - Ўзбекистондаги телекоммуникация хизмати.


И Л О В А Л А Р

Назорат қилувчи органлар рўйхати

Код	Назорат қилувчи орган номи
1	Давлат солиқ қўмитаси
2	Молия вазирлиги
6	Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси
9	Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси
10	Соғлиқни сақлаш вазирлиги Лицензиялаш ва нодавлат тиббиёт муассасалари томонидан кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини назорат қилиш Бошқармаси
11	Соғлиқни сақлаш вазирлиги Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази
12	Давлат божхона қўмитаси
13	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Чорвачиликда наслчилик ишлари бош давлат инспекцияси
14	«Ўздавтехназорат» инспекцияси
15	Ўзбекистон автомобил ва дарё транспорти агентлиги
16	«Ўзстандарт» агентлиги
17	Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси
18	Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси
19	Давлат статистика қўмитаси
20	Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси
21	Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази
22	«Ўздавэнергоназорат» инспекцияси
25	Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш

	вазирлиги
26	Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекцияси
27	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Давлат ветеринария бош бошқармаси
29	«Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси
30	Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси
34	Соғлиқни сақлаш вазирлиги Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармаси
35	«Ўздавтемирйўлназорат» инспекцияси
37	Ички ишлар вазирлиги Транспортдаги ички ишлар бошқармаси Ёнғин ҳавфсизлиги бўлими
38	«Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси
39	Давлат геодезия назорати инспекцияси
40	«Ўзбектуризм» миллий компанияси
41	Марказий банк ҳузуридаги қимматбаҳо металллар агентлиги Давлат асиллик даражасини белгилаш палатаси
43	Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги
45	«Ўзбеккино» Миллий агентлиги
47	Тошкент шаҳар ҳокимлиги Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг ахборот сайтини бош саҳифаси



Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг ахборот сайтини бўлимини кўриниши

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ

Давлат рамзлари

ЎЗ РУ EN

Сайт бўйича қидирув

Қўмита ҳақида | Янгиликлар | ОАВ учун | Божхона назорати | Боғланиш | Электрон хизматлар

ОЧИҚ МАЪЛУМОТЛАР
Божхона органлари фаолияти тўғрисидаги очиқ маълумотлар базаси

ЭЛЕКТРОН ХИЗМАТЛАР
ТИФ иштирокчилари ва жисмоний шахслар учун жорий қилинган божхонага доир интерактив хизматлар

НОРМАТИВ ХУЖЖАТЛАР
Божхона соҳасида қабул қилинган қонунлар, фармонлар қарорлар

ЭЛЕКТРОН ХИЗМАТЛАР
Товарларни электрон шаклда декларациялаш
Сиз ушбу интерактив хизматдан фойдаланишингиз учун электрон рақамли имзога эга бўлишингиз лозим. Агар Сизда электрон рақамли имзо бўлса, унда ушбу ҳаволага ўтинг!


Товарларни электрон декларациялаш

Тадбиркорнинг шах...

Божхона омборлари

BBI Indicator
От 10% в месяц до 100%
MT4 MT5

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг ахборот сайтини бўлимини кўриниши



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ

Давлат рамзлари

ЎЗ РУ EN

Сайт бўйича қидирув

Қўмита ҳақида | Янгиликлар | ОАВ учун | Божхона назорати | Боғланиш | Электрон хизматлар

ОЧИҚ МАЪЛУМОТЛАР
Божхона органлари фаолияти тўғрисидаги очиқ маълумотлар базаси

ЭЛЕКТРОН ХИЗМАТЛАР
ТИФ иштирокчилари ва жисмоний шахслар учун жорий қилинган божхонага доир интерактив хизматлар

НОРМАТИВ ХУЖЖАТЛАР
Божхона соҳасида қабул қилинган қонунлар, фармонлар, қарорлар ва бошқа ҳужжатлар

ОАВ УЧУН
Функциялари ва вазифалари
Оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бўлимининг функциялари ва вазифалари
ЛБК раҳбарияти билан ўрнатилган тартибда келишилган ҳолда оммавий ахборот воситаларида

Ахборот хизмати

ДБҚ Ахборот хизмати

Худудий божхона бошқармалари

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг ахборот сайтини бўлимини кўриниши

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ

Давлат рамзлари

ЎЗ РУ EN

Сайт бўйича қидирув

Қўмита ҳақида | Янгиликлар | ОАВ учун | Божхона назорати | Боғланиш | Электрон хизматлар

ОЧИҚ МАЪЛУМОТЛАР
Божхона органлари фаолияти тўғрисидаги очиқ маълумотлар базаси

ЭЛЕКТРОН ХИЗМАТЛАР
ТИФ иштирокчилари ва жисмоний шахслар учун жорий қилинган божхонага доир интерактив хизматлар

НОРМАТИВ ХУЖЖАТЛАР
Божхона соҳасида қабул қилинган қонунлар, фармонлар, қарорлар ва бошқа ҳужжатлар

ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Божхоначилар "ISTExpo-2015"да қатнашди
Бугунги кунда Ахборот коммуникация технологияларини қўллаш мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бири бўлиб бормоқда.
18.09.2015

Тезкор хабарлар

Божхоначи - тадбиркор таянчи

Маданий-маърифий тадбирлар

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетаётган жисмоний
шахслар учун божхона қоидалари**

Ўзбекистон Республикасидан чиқиш жойи ва вақти

Ўзбекистон Республикаси фуқарolari республиканинг барча чегара божхона постлари орқали республика ҳудудида чиқиб кетишлари мумкин.

Хорижий давлатлар фуқарolari ва фуқарoлиги бўлмаган шахслар республиканинг халқаро мақомга эга бўлган чегара божхона постлари орқали чиқиб кетишлари мумкин. Шу билан бирга, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон фуқарolari мазкур давлатлар билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги ўтказиш пунктлари тўғрисидаги битимларга асосан белгиланган иккитомонлама чегара божхона постлари орқали ҳаракатланишларига ҳам рухсат этилган.

Аэропорт ва чегара темир йўл божхона постлари орқали барча давлатларнинг фуқарolari ва фуқарoлиги бўлмаган шахслар ҳаракатланиши мумкин.

халқаро мақомга эга бўлган чегара божхона постлари – барча давлат фуқарolari ва транспорт воситалари ҳаракатланиши мумкин бўлган чегара божхона постлари.

икки томонлама чегара божхона постлари – қўшни давлатлар билан имзоланган келишувларга мувофиқ белгиланган ва фақатгина аҳдлашувчи давлатлар фуқарolari ва транспорт воситалари ҳаракатланиши мумкин бўлган чегара божхона пости.

Ўзбекистон Республикаси хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ҳамда божхона постида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилаётганлиги муносабати билан божхона постлари орқали шахсларнинг ҳаракати чекланиши ёки вақтинчалик тўхтатилиши мумкин.

Чегара божхона постларининг иш вақтига қараб, шахслар Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан куннинг фақат ёруғ вақтида ёки сутка давомида

чиқиб кетишлари мумкин. Чегара божхона постларининг иш вақти Ўзбекистон Республикасининг қўшни давлатлар билан имзоланган ўтказиш пунктлари тўғрисидаги битимларига асосан белгиланади. Чегара божхона постлари дам олиш ва байрам кунлари ҳам белгиланган тартибда фаолият олиб боради.

Божхона идораларига тақдим этиладиган ҳужжатлар

Божхона чегараси орқали ҳаракатланаётган шахс томонидан божхона ходимига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- фуқаролик паспорти (фуқаролиги бўлмаган шахслар учун тегишли гувоҳнома);

- белгиланган тартибда тўлдирилган йўловчи божхона декларацияси.

Йўловчи божхона декларацияси – жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси, чет эл валютаси, валюта бойликлари ҳамда ишлаб чиқариш ёки бошқа тижорат фаолияти учун мўлжалланмаган товарлар, транспорт воситалари ва бошқа предметларни божхона назорати ҳамда расмийлаштирувидан ўтказиш мақсадида божхона органларига тақдим этиладиган ҳужжат.

Божхона расмийлаштируви

Шахсининг қўл юklarини расмийлаштирувчи божхона пости ходими томонидан йўловчи божхона декларациясидаги маълумотлар ҳамда божхона назоратини амалга ошириш натижалари текширилиб, шахсий муҳр ва имзо қўйган ҳолда расмийлаштирилади.

Расмийлаштирилган йўловчи божхона декларацияси “Йўловчи божхона декларацияси” ААТ дастурига киритилади.

Шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиладиган товар-моддий бойликлари қиймати 1000 (бир минг) АҚШ доллари эквивалентидан ортиқ бўлганда фақатгина божхона юк декларацияси расмийлаштирилган ҳолда олиб чиқирилиши мумкин.

Тариф бошқарув

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетаётган шахслар томонидан олиб чиқиладиган товар-моддий бойликларига нисбатан экспорт божхона божлари қўлланилмайди.

Нотариф бошқарув

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан шахслар томонидан олиб чиқиладиган товар моддий бойликлар чегара божхона пости орқали олиб ўтилганда давлат хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг бошқа манфаатларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ҳамда халқаро шартномаларига мувофиқ айрим товарларни республика ҳудудидан олиб чиқиши чекланиши ёки тақиқланиши мумкин.

Шунингдек, шахслар республика ҳудудидан чиқиб кетаётганда олиб чиқиши учун ваколатли органларнинг рухсатномалари талаб этиладиган товарларга (маданий бойликлар, ва бошқалар) тегишли рухсатномалар (лицензиялар) мавжудлиги назорати олиб борилади.

Қуйидаги товарларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиш тақиқланади:

- дон (буғдой, сули, арпа, гуруч, маккажўхори гречиха кабилар) маҳсулотлари (ТИФ ТН коди-10)

- нон маҳсулотлари (ундан тайёрланган кондитер маҳсулотлари, пирожнийлар, ўзи ишлаб чиқарган печеньеелардан ташқари); (ТИФ ТН коди-1905)

- ун ва ёрмалар (ТИФ ТН коди - 110100-1106);

- ҳайвонлар ва қушлар (ТИФ ТН коди - 0101-0105, 01061910000, 01063910000);

- гўшт ва гўшт маҳсулотлари (ТИФ ТН коди - 0201-0210 (020753000 ташқари));

- шакар (ТИФ ТН коди - 1701-1702);

- илмий, тарихий, маданий бадиий аҳамиятга эга бўлган тарихий буюмлар (картиналар, скульптура ва бошқалар) (ТИФ ТН коди - 97-группа);

- ўсимлик ёғлари (ТИФ ТН коди - 1507, 1512 (1512111000, 1512211000 техникларидан ташқари), 1516);

- тери хом ашёси (ностандарт терилар ҳам), қорақўл ва тери-мўйна хом ашёси (ностандартлари ҳам) (ТИФ ТН коди-4101 — 4103, 4301-4302);

- рангли металл парчалари ва чиқиндилари (ТИФ ТН коди - 740400, 760200, 7802000000, 7902000000, 8002000000, 8101970000, 8102970000, 8103300000, 8104200000, 8105300000, 8106001000, 8107300000, 8108300000, 8109300000, 8110200000, 8111001900, 8112130000, 8112220000, 8112922001, 8112922009);

- пилла, хом ипак, пилла ва ипак чиқиндилари (ТИФ ТН коди - 5001000000, 5002000000, 5003000000);

- полиэтилентерефталат (ПЭТ) чиқитлари, қийқиндилари ва скрап (киринди)лари (ТИФ ТН коди - 390760).

Қуйидаги товарларни олиб чиқишда ваколатли органларнинг тегишли рухсатномалари (лицензиялар) талаб этилади:

- гиёҳвандлик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларни олиб чиқиладиганда Гиёҳвандлик воситалари устидан назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси давлат комиссиясининг тегишли рухсатномаси ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан бериладиган сертификатлар;

- озонни бузувчи моддалар ва таркибида улар мавжуд бўлган маҳсулотларни Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқишда Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан бериладиган рухсатномалар;

- маданий бойликларни олиб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан бериладиган сертификат;

- ўқотар қурол ва патронларни Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш ҳуқуқини берувчи Президент Хавфсизлиги Хизмати томонидан берилган рухсатномалар;

- ёввойи ўсимликлар, уларнинг қисмлари, мевалари, уруғлари ва ботаника коллекциялари, ёввойи ҳайвонлар, уларнинг қисмлари, зоология

коллекциялари, ҳаёт фаолияти маҳсулотлари, ўлжалар, тулумлари Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиладиганда Давлат табиати муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан бериладиган рухсатномалар;

- экологик хавфли маҳсулотлар ва чиқиндиларни Ўзбекистон Республикасига олиб чиқиладиганда унга берилган экологик сертификат.

Шу билан бирга, чегара божхона пости орқали олиб ўтиладиган айрим товарларга нисбатан халқаро битимлар, амалдаги қонунчилик асосида бошқа чеклов ёки тақиқлар қўлланиши мумкин.

Божхона назорати

Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали ҳаракатланаётган шахс ва унинг қўл юклари божхона назоратидан ўтказилиши лозим.

Шахс ва унинг қўл юкларини божхона назоратидан ўтказишда божхона ходими қуйидаги божхона назорати шакллариининг барчасидан ёки бир нечтасидан фойдаланади (бунда, танланган шакл божхона қонунчилиги талабларига риоя этилишини таъминлаш учун етарли бўлиши лозим):

- божхона мақсадлари учун зарур бўлган ҳужжатлар ва маълумотларни текшириш (йўловчи божхона декларациясида кўрсатилган маълумотларни текшириш);

- оғзаки сўраб-суриштириш (шахснинг ўзи билан бирга ёки қўл юклари орасида олиб чиқиш тақиқланган, чегараланган товарлар мавжуд ёхуд мавжуд эмаслигини, декларацияда кўрсатилган маълумотларнинг ҳаққонийлигини сўраб-суриштириш);

- божхона кўригидан ўтказиш (Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқирилиши тақиқланган ва чегараланган товарларнинг мавжудлигини аниқлаш мақсадида шахс ва унинг қўл юкларини бевосита ва/ёки хизмат итлари ҳамда божхона назоратининг техник воситаларидан фойдаланган ҳолда кўриқдан ўтказиш);

- шахсни кўздан кечириш (Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқирилиши тақиқланган ва декларацияда кўрсатилмаган товарларнинг мавжудлигини аниқлаш мақсадида бевосита шахсни кўздан кечириш);

- ҳисобга олиш (“Йўловчи божхона декларациялар” ААТ дастурига шахс тўғрисидаги маълумотларни киритиш орқали ҳисобга олиш).

Шунингдек, божхона ходими божхона кўригини амалга оширишда божхона назоратининг техник воситаларидан (рентген, металлодетектор ва бошқалар) фойдаланилади.

Валюта назорати

Чегара божхона пости ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали чиқиб кетаётган шахслар валюта назоратидан ўтказилади.

Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан олиб чиқиладиган валюта бойликлари йўловчи божхона декларациясининг 5-бандида кўрсатилади.

Бунда, жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб чиқиладиган Ўзбекистон Республикасининг нақд миллий валютаси божхона органи томонидан декларацияланиши керак:

- энг кам иш ҳақининг 5 бараваригача миқдорда бўлса - йўловчи божхона декларациясига мажбурий тарзда киритмасдан;

- энг кам иш ҳақининг 5 бараваридан ортиқ бўлса - йўловчи божхона декларациясига мажбурий тарзда киритган ҳолда.

Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасининг нақд миллий валютаси – сўмни Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқишга Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 50 бараваридан ошмайдиган суммада рухсат берилади. Мазкур суммадан ортиқча Ўзбекистон Республикасининг нақд миллий валютасини олиб чиқишга Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг рухсати билан йўл қўйилади.

Резидент ва норезидент юридик шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасининг нақд миллий валютасини олиб чиқишга йўл қўйилмайди, бундан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, шунингдек Ўзбекистон

Республикаси Марказий банкининг рухсатномаси бўлганида ваколатли банклар мустасно.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва ваколатли банклар томонидан Ўзбекистон Республикасининг нақд миллий валютаси олиб чиқиши чоғида божхона тўловлари, бундан божхона расмийлаштируви учун йиғимлар мустасно, ундирилмайди.

Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқишга қуйидагиларга рухсат берилади:

- резидентларга 2000 АҚШ долларига эквивалент миқдор доирасида рухсатнома олмасдан;

- резидентларга 2000 АҚШ долларига тенг миқдордан ортиқча сумма – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ёки ваколатли банкларнинг 09006 – сон шаклдаги рухсатномаси билан, резидентларга 5000 АҚШ долларига тенг миқдордан ортиқча сумма Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 09006-1 – сон шаклдаги рухсатномаси билан;

- норезидентларга – божхона декларациясига мувофиқ Ўзбекистон Республикасига келтирилган сумма доирасида. Ўзбекистон Республикасига киришдаги божхона декларациясида белгиланган суммалардан ортиқча нақд хорижий валютани олиб чиқишга Марказий банк ёки ваколатли банкларнинг рухсатномаси билан йўл қўйилади.

Резидент томонидан белгиланган меъёрдан ортиқча нақд чет эл валютасини олиб чиқиш учун асос бўлиб рухсатнома (банк рухсатномаси) ҳисобланади, у назорат мақсадлари учун божхона органининг йиғма жилдларида қолади.

Норезидент томонидан йўловчи божхона декларациясида (олиб кириш пайтида тўлдирилган ва божхона органининг ходими томонидан тасдиқланган) ёки ТС-28 гувоҳномасида (5 минг АҚШ долларига эквивалент миқдордан ошадиган ҳажмда нақд чет эл валютаси олиб кирилиши пайтида божхона органи томонидан берилган) кўрсатилган суммадан ортиқча нақд

чет эл валютасини олиб кириш учун асос бўлиб рухсатнома (банк рухсатномаси) ҳисобланади.

резидентлар - Ўзбекистон Республикаси фуқаролари; Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойига эга бўлган чет эллик фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар

норезидентлар - резидент тушунчасига жавоб бермайдиган шахслар

Белгиланган меъёрдан ортиқча нақд хорижий валютани олиб чиқиб кетишда уни олиб чиқиб кетиш учун асос бўлган ҳужжатлар, яъни нақд хорижий валютани олиб киришда тўлдирилган йўловчи божхона декларацияси, рухсатнома (банкники), ТС-28 гувоҳномаси кейинчалик текшириш мақсадида божхона хизмати йиғма жилдларида қолдирилади.

Божхона назорати пайтида аниқланган Ўзбекистон Республикасининг қалбаки нақд миллий ва хорижий валютаси ўтказилмайди, ушлаб қолинади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилади.

Шахслар томонидан йўл чеклари ва бошқа қимматбаҳо қоғозлари йўловчи божхона декларациясида кўрсатилган ҳолда олиб чиқилади.

Фақат эркин алмаштириладиган валютага экспорт қилиш учун рухсат берилган товарларнинг Ўзбекистон Республикасидан ташқарига жисмоний шахслар томонидан олиб чиқишнинг энг юқори меъёрлари

Мол ёғи ва ўсимлик мойлар ҳамда уларнинг фракциялари – 2 кг;

портландцемент, гилмоя цемент, тошқол цемент, суперсульфат цемент ва шунга ўхшаш гидравлик цементлар – 100 кг;

нефть ва нефть маҳсулотлари – 20 л;

дори воситалари – ҳар биридан икки ўрамдан;

момик пахта, дока, бинт ва шунга ўхшаш буюмлар – 1 кг;

бўёқ ва лаклар – 10 кг;

пигментлар (шу жумладан металл зарралари ва парчалари) – 2 кг;

пневматик янги резина шиналар – 2 дона;

қоғоз, картон, целлюлоза пахта ва тўйинтирилган целлюлоза толаларидан полотнолар – 2кг;

ип калава, ип газлама – 5 кг, ҳар биридан 10 метрдан;

сунъий комплекс иплардан газламалар – ҳар биридан 10 метрдан;

синтетик ва сунъий штапель толалардан калава – 5 кг.;

тўқимачилик хом ашёсидан момик пахта ва ундан тайёрланган буюмлар – 5кг.;

зар уқа ип – 5 кг;

мебель учун қўлда ишланган декоратив гулдор газламалар – ҳар биридан

10 метрдан;

патли (шу жумладан узун патли) полотно ва пахта полотнолар – 10 метр;

машинада ва қўлда тўқилган бошқа трикотаж полотнолар – 10 метр;

ҳавони совитиш қурилмалари – 1 дона (фақат маишийлари);

музлатгичлар, музхоналар ва совитувчи ҳамда музлатувчи бошқа ускуналар –

1 дона (фақат маишийлари);

электр машина ва ускуналар:

- электр дазмоллар, электр билан иситувчи бошқа рўзгор асбоблари – ҳар биридан 1 донадан;

- телефон аппаратлари ва факсимил алоқа воситалари ;

- овоз ёзиб олувчи ва овозни қайта ҳосил этувчи аппаратлар;

- телевизион тасвир ва овозни ёзиб олувчи ва қайта ҳосил этувчи аппаратлар – ҳар биридан 1 донадан;

изоляцияланган симлар – 50 метр;

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган автомобиллар – ЎзРнинг амалдаги қонунчилигига асосан акциз солиғи тўлангандан сўнг 1 дона.